Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
14-yanvar,
payshanba,
№ 5-6
(3667)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 24 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимизнинг замонавий Қуролли Кучларини ташкил этишда ҳарбий қурилиш соҳасига принципиал жиҳатдан янгича ёндашувнинг ишлаб чиқилгани кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлди. Бу ёндашув эски, ўз умрини ўтаб бўлган, бир қолипдаги қарорлардан бутунлай воз кечиш, эҳтимол тутилган ҳарбий ҳаракатлар театри ҳамда яқин ва узоқ ён-атрофимизда шиддат билан ўзгариб бораётган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, шунингдек, хорижий давлатларнинг тажриба ва ютуқларини амалий жиҳатдан пухта ўзлаштиришга асосланганини таъкидлаш лозим.

Бугун биз, миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштириб, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди, деб ғурур билан айта оламиз. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг таянчи ва суянчи бўлган замонавий ҳарбий хизматчилар тимсолида биз авваламбор чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятга, ўз муқаддас ҳарбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган, она юртимизга садоқатли, мард ва фидойи инсонларни кўрамиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга доимо яхши тасаввур қилганмиз ва тасаввур қиламиз. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Юзага келаётган ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади.

Шу муносабат билан бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

Биринчидан, вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни, замонавий ҳарбий санъат соҳасидаги ютуқлар ва ҳарбий қурилиш борасида тўплаган тажрибамизни, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллий армиямизнинг ташкилий тузилиши ва жанговар таркибини, қўшинларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистонга қўшни минтақаларда вазият доимий равишда ўзгариб, таҳдидлар кучайиб бораётган, мамлакатимиз ҳудудига турли босқинчи тўдалар ва қўпорувчи гуруҳларнинг суқилиб кириш эҳтимоли истисно этилмаётган бир шароитда ҳарбий тузилмаларни, биринчи навбатда, хавф-хатар юқори бўлган операцион йўналишларда янада мустаҳкамлаш ва сафарбар этишга устувор аҳамият бериш зарур.

Айниқса, ўтказилаётган жанговар машғулотларга алоҳида эътибор қаратиш ва ушбу йўналишдаги принцип ва ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш, машғулотларни ҳар қайси ҳудуд ва минтақадаги мавжуд реал шароитга энг юқори даражада яқинлаштириш, эҳтимол тутилган душманнинг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари хусусиятларини аниқлаш, қўмондонлик таркиби ва штабларни вазиятни ҳар томонлама баҳолаш ва асосланган қарорлар қабул қилишга ўргатиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, қўшинларни тезлик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириш масалаларини амалий машғулотларда синовдан ўтказиш, ҳар қайси ҳарбий хизматчининг қурол-яроғ ва техникани ишончли равишда ишлата олиши, жисмоний ва маънавий-руҳий жиҳатдан ўта оғир ва мураккаб вазиятларда ҳам мустаҳкам ирода ва матонат кўрсатиб, ўз вазифасини соғ-омон адо этиши учун уларнинг индивидуал малакасини мунтазам равишда ошириб бориш зарур.

Ана шу мақсадларга эришишда полигонларнинг тўлақонли фаолият юритишини ва улардан кенг фойдаланишни таъминлаш, бунинг учун уларнинг инфратузилма ва ўқув моддий-техник базасини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш даркор.

Иккинчидан, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини янада оширишга, махсус операциялар учун мўлжалланган кучлар, вертолётлар ва қўшимча равишда жалб этилган бошқа техникалардан фойдаланган ҳолда, душманнинг заиф нуқталарига зудлик билан шиддатли зарбалар бериш малакасини пухта эгаллашга имкон берадиган қурол-яроғ ва техникаларнинг энг янги турлари билан қўшинларни таъминлаш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

Учинчидан, қўмондон ва сержант кадрлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига эътиборни бир зум ҳам сусайтирмаслик лозим. Бу борада ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, хизматни ўташ ва жанговар фаолият давомида зарур бўладиган тажриба ва кўникмаларни эгаллаши учун барча имкониятларга эга бўлган Қуролли Кучлар Академияси, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни давом эттириш долзарб аҳамиятга эга.

Шулар қаторида миллий армиямизнинг замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан босқичма-босқич таъминланиши, унинг жанговар таркиби ва тузилишидаги ўзгаришлар, қуролли тўқнашувларнинг ўзгариб бораётган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, мутахассисликлар таркиби, ҳарбий фанларни ўқитишнинг метод ва технологиялари ҳамда ўқув дастурлари рўйхатини доимий тарзда янгилаб, уларга аниқлик киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибининг малакасини янада ошириш, уларнинг чет тилларини эгаллаши, таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириши ва ўқув ишларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда Қуролли Кучлар Академияси ва мамлакатимизнинг шу йўналишдаги бошқа таълим муассасаларида ҳарбий фанларнинг энг зарур ва долзарб йўналишлари бўйича дарс бериш учун хорижий давлатларнинг етакчи ҳарбий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари ўқитувчилари, эксперт ва мутахассисларини кенг жалб этиш борасидаги ишларимизни тизимли ва изчил асосда кучайтиришимиз керак.

Тўртинчидан, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид бўлган, ёт ва бузғунчи ғояларни жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фарзандларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, ҳарбий ва меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни янада кучайтириш, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай узоқ муддатга мўлжалланган, долзарб вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ва тузилмалар, маданият, санъат ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган намояндаларининг ўрни ва таъсири беқиёс, албатта.

Бундай ўта муҳим ишда расмиятчилик ва юзаки ёндашувлардан воз кечган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Бешинчидан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тураржой, маиший ва тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича давлат дастурларини сўзсиз бажариш зарур. Юртимизда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари доирасида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили аввало ҳарбий хизматни ўташ учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа характерига эга эканини, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз биринчи навбатда мамлакатимизнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмайдиган давлат сифатида, ҳар томонлама чуқур ўйлаган ва тўлиқ англаган ҳолда, ўзи учун принципиал аҳамиятга эга бўлган муҳим йўлни танлаб олди ва шу йўлда қадам қўйди. Яъни, мамлакатимиз тинчликсевар сиёсат олиб бориш, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва коалицияларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий база ва объектларни жойлаштирмаслик, юртимиздан ташқарида бўладиган тинчликпарварлик операцияларида қатнашмаслик бўйича ўз позициясини аниқ-равшан белгилаб олди.

Бугунги байрам айёмида, авваламбор, ўзининг шарафли, олижаноб ва масъулиятли бурчини — Ватанни ҳимоя қилишдек буюк вазифани муносиб адо этаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Янги — 2016 йилда Қуролли Кучларимиз сафларида муқаддас бурчини бажариб келаётган сиз, мард ва ботир ўғлонларимизга — оддий аскар ва сержантларга, офицер ва генералларга Ватанга садоқат билан хизмат қилиш йўлида мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва катта муваффақиятлар, хонадонларингизга бахт ва фаровонлик тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги алоҳида хизматлари, давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Пягай Илья Васильевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мелибаев Жахонгир Анварович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари

I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Бурхонов Ахмад Жамолович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари

(2).

---

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигининг мустаҳкам қалқони

"Туркистон" саройида 13 январ куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ҳамда 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳар томонлама яхши қуролланган миллий армиямизни ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

(2).

Президентимизнинг 2015 йил 9 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир. Бундай тадбирларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам фаол қатнашмоқда.

Касаба уюшмалари — ҳарбийларга

Республикамиздаги 32 мингдан ортиқ меҳнат жамоаларида «Маънавият соатлари» ўтказилиб, уларда «Миллий армиямиз тавсифи: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир» мавзусида маърузалар ташкил этилди.

Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда ёшларни Она юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, жасурлик ва фидойилик каби фазилатларини шакллантиришга қаратилган «Тинчлик учун курашмоқ керак», «Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз», «Менинг армиям — менинг фахрим» каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда 57 минг нафардан зиёд ёшлар, жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва фахрийлар иштирок этди.

«Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида барча ҳудудлардан биттадан, жами 14 та ҳарбий қисмда ҳамда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбир доирасида ушбу ҳарбий қисмларга касаба уюшмаларининг жами 37 млн. 200 минг сўмлик қимматбаҳо совғалари *(ноутбуклар)* топширилди.

Хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган 270 нафар ҳарбийлар, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг оилаларига 250 минг сўмдан, жами 67 млн. 500 минг сўмлик манзилли моддий ёрдам кўрсатилди.

Уларнинг 201 нафар фарзандларига эса 13 млн. 316 минг сўмлик Янги йил совғалари берилди.

Бундан ташқари, уларнинг хонадонларига манзилли таштиф, қабрларини зиёрат қилиш ва ўқиган мактабларида тадбирлар уюштириш ишлари ҳам амалга оширилди.

«Соғлом она ва бола» йили муносабати билан ҳар бир ҳудуддан 10 нафардан, жами 140 нафар ҳарбий аёллар касаба уюшмалари томонидан 16 млн. 900 минг сўмлик совғалар билан рағбатлантирилди.

(3).

Ishonch 2016-yil 14-yanvar, payshanba, № 5-6 (3667)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

К(1).

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мирзарахимов Яминжон Тоирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Ахунов Виталий Вячеславович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳи чегара район бошлиғининг биринчи ўринбосари

Икромов Абдувохид Рискитиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

Сон Михаил Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Султанов Наил Фаритович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуғаниев Фарход Рахманбердиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари гуруҳи взвод командири

Абдуллаев Улугбек Мухиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Бозорбоев Уктамжон Зокиржонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

Исмодиёров Вохид Нортожиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мажидов Жамшид Махмадалиевич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Махмудов Абдурахмон Акрамжанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Нишанов Дилшод Абдирахимович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Олимов Фарходжон Абдупатохович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод фельдшери

Рахимов Акмал Ибодуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рахмонов Камолиддин Нормуминович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сеитмурадов Феруз Джоракулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Турдиев Салим Хайдарович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Умаров Алишер Адхамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Хамрокулов Октам Рахмонкулович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

Шарипов Одилжон Умирзокович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Шералиев Икром Акбарович — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Акрамов Дилшод Давлаталиевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

Аллаберганов Зафар Зариббаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ахмедов Ахмаджон Жалолдинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

Байкулов Абдурашид Ахмедович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Бекжонов Анваржон Фозилжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

Бобаназаров Сирожиддин Хаитмурадович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бутакараев Марат Махсетович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Даулетов Даурхан Даулетназарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Ёқубов Аброржон Расулжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ирматов Шухрат Муратович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

Йулдошев Ибрат Исмоилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қурбонов Вахоб Ҳайитқулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

Махмудов Баходур Талибжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Маърупов Маҳмуджон Турсунбоевич — Андижон шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

Мурашкин Андрей Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Норкобилов Исломиддин Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

Рахманов Анвар Камбаралиевич — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Рахматов Ойбек Куралбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рахматуллаев Умид Анваржонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси хизмати катта штурмани

Рахмонов Акмалжон Миродилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Рўзметов Акбар Эркинбайевич — Хоразм вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

Рўзметов Хамид Садуллаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Собиров Хушнид Хуршидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Таджиев Олим Фаридович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Турдиев Жуманазар Баходирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта мутахассиси

Турниёзов Азизбек Фарходович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Умиров Бекзот Хакимович — Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Ураимов Музаффар Зухриддинович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Урунов Фарходжон Махмуджонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хаджиев Дилшод Дамирович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

Хамзаев Шерали Сохибжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хасанов Мадамин Менгбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

Ходжаев Назим Ихсонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шамурадов Жахонгир Халмурадович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шукуров Бекзод Хазраткулович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили

Эшанкулов Ғайрат Мелиевич — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

Юлдашев Уктам Мухаммадшарипович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

Юсупов Куанишбай Якупбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Астанов Шерзод Бабамурадович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

Базаров Самандар Сафоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи

Байходжаев Алерходжа Аскархожаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Бердиев Шухрат Рахманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

Беристанов Азамат Кошербаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

Гуломов Жохонгир Бахтиёрович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исаков Бахтиер Сидикович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Кайюмов Абдумалик Абдуманапович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Каримов Бобир Багадирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедраси бошлиғи

Қоҳҳоров Шохбос Гайрат ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи мутахассиси

Кулмурадов Ризамат Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

Қурбонов Акмал Мустафакулович — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Қўчқаров Махаммаджон Иброхимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Мадумаров Яхежан Миралимжанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати бош муҳандиси

Мажидов Абдурасул Абдуҳаликович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

Маллаев Сардорбек Сидиғалиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари гуруҳи назоратчиси

Маматов Хамидулла Эгамкулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

Махкамов Мухтор Махамадумарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Муйдинов Тургунбой Абдихалилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мухтаров Фарход Махмудович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Надимов Владимир Борисович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси бошлиғининг ўринбосари

Никишин Геннадий Федорович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика маркази бошлиғи

Норпулатов Фархот Холмаматович — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди гуруҳи командири

Раббимов Абдувасиб Сайидович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Раджабов Анваржон Муҳаммадович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

Рахимов Камолиддин Комилович — Навоий ҳарбий суди раиси

Рахимов Улугбек Одилжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлими катта офицери

Рахманкулов Данияр Тугамбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг бўлинма бошлиғи

Рахмонов Давлатёр Бегижонович — Қарши ҳарбий прокурори

Саидов Ихтиер Мизрабович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

Сапарбаев Эгамберган Раимберганович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сатторов Илхомжон Шухрат ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сейтбалиев Рустем Эмиралиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи

Степанов Алексей Федорович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий-сафарбарлик ишлари ва фуқаролар муҳофазаси бўлими бошлиғининг ўринбосари

Темиров Мамиржон Иминович — Термиз ҳарбий прокурори

Трофимов Виталий Дмитриевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Усманов Шавкат Алишерович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Хайитов Мухаммадали Мирзарахмонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм секцияси командири

Халилов Равшан Абдуфаттахович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

Хусанов Лазиз Сафарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

Шаджалилов Азиз Бахтиерович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди командири

Шокиров Абдурахмонжон Абдувалижонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эрназаров Хуршид Рашидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

Юнусов Зохид Мамарахимович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғининг ўринбосари

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуразоков Акмалжон Туйчибоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Асқаров Қидирбай Караматдинович — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди қутқарувчиси

Бобоназаров Акмал Косимович — Марказий ҳарбий округ ҳарбий суди раиси

Бойназаров Ихтиер Бахтиерович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти катта йўриқчиси

Ғаниев Жахонгир Сотиболдиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Джалалов Абдумаъруф Абдукаримович — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари марказининг катта мураббийси

Джумаев Рустам Латипович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи катта техниги

Жуманиязов Бахромбек Қадамбайевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи мутахассиси

Икромов Зайниддин Бахриддинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Йўлдошев Равшан Маратович — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Кадиров Шерзод Шухратович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинмаси бошлиғи

Кимсанов Зиевидин Шохобидинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Кудратов Нурали Абдухалилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

Мадаминов Хайрулло Усмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Мирзалиев Хуршудбек Сохибжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

Мўминов Азамат Тўймуродович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳи командири

Пармонов Жахонгир Шодиерович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи бошлиғи

Разиков Шахбоз Умарович — Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти божхона бошқармаси чегара пости контрабандага қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили

Саттаров Ильхом Акбарович — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қарши автомобиль мактаби устаси

Саъдуллаев Шухрат Нарзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаси бош илмий ходими

Сиддиков Алешер Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети кафедраси катта ўқитувчиси

Сормонкулов Адхамжон Райимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонмуҳандислик билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

Сотволдиев Шерзод Ёқибжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Суробов Низомжон Худойназарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ёрдамчиси

Тажибаев Дильмуродбек Гафуржанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Темиров Зафар Нуруллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

Турғунов Жамшид Хусан ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Умаров Жонибек Турсунбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Урумбаев Абдурасул Эрикович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳи командири

Хазраткулов Зокир Рахманович — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта техниги

Хакимов Сухроб Зохирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Хушназаров Бобоназар Шахриерович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими бошлиғи

Шарипов Эрали Исломович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 январ

Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигининг мустаҳкам қалқони

К(1).

Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 6 сентябрдаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги фармони бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар пойдевори бўлди. Кейинчалик Президентимиз фармонига мувофиқ, Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил 14 январда мамлакатимиз парламентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эгадир. Шу кундан эътиборан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан 14 январ Ватан ҳимоячилари куни, деб эълон қилинди. Мазкур тарихий ҳужжатга асосан Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг долзарб масалалардан бири — кадрлар масаласи эди. 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида ҳарбий таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бир қатор олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти баланд, аҳди қатъий, шижоатли, мард ва жасур ҳарбий кадрлар тайёрлашга киришилди.

Ҳозирги кунда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида замонавий билим ва мутахассисликларга эга етук ҳарбий кадрлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида малакали офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳарбий соҳадаги илмий-амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2012 йили Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ташкил этилган ҳарбий-тиббиёт факултети интеллектуал салоҳиятли, юксак малакали тиббий хизмат офицерлари, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ушбу факултет Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касб тайёргарлиги даражасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий-тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни ташкил этиш борасидаги асосий таълим муассасаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун 30 га яқин йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг самарали тизими яратилган бўлиб, булар Сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасалари, малака ошириш факультетлари, Қуролли Кучлар Академияси ҳузуридаги офицерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курслари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясидир. Бу ўқув масканлари ҳарбий хизматчиларга профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятида тажриба ва малакасини ошириш имконини бермоқда.

Қуролли Кучларда амалга оширилган улкан ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг ташкилий тузилмалари бутунлай қайта кўриб чиқилди, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилди. Қўшин турларининг ўзаро ҳаракатланишини такомиллаштириш, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тубдан яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади. Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини янада яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2015 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар ўз уйларига эга бўлди.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда **"Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!"** шиори остида нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимиз юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши — Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 12 январда қабул қилинган фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Ватанимизнинг юксак мукофотига муносиб кўрилганимдан фахрланаман, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири, "Мардлик" ордени соҳиби, капитан Улуғбек Абдуллаев. — Биз, ҳарбийлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаяпмиз. Бу бизга катта куч ва маънавий мадад беради.

"Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси", "Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби", "Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси" танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Тадбирда "Жасорат" медали соҳиби, майор Исломиддин Норқобилов, "Мардлик" ордени соҳиби, кичик сержант Фарҳоджон Олимов, аскар онаси Малика Бекенова, халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Равшан Эрматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, шоира Энахон Сиддиқова ва бошқалар Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз Ислом Каримовга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Ҳар йили декабр ойининг биринчи ҳафтасида муҳтарам Юртбошимизнинг ватанпарварлик ойлигини ўтказиш, 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш бўйича фармойиши эълон қилинади. Ушбу фармойиш эълон қилинган куннинг ўзидаёқ Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакиллари йиғилиб, режамизни қайтадан кўриб чиқиб, тўлдириб, бойитамиз. Чунки фармойиш зиммамизга долзарб вазифаларни қўйиш билан бирга янги-янги имкониятларга эшик очади. Бундан ташқари, изланиш, ишлаш, тинимсиз ҳаракат қилиш кераклигини, Юртбошимиз айтганидек, тинчлик учун курашиш лозимлигини, бойлигимиз — тинчлик-осойишталик эканини кундан-кун ҳаётнинг ўзи бизга уқтириб боряпти.

«Тинчлик учун курашмоқ керак!»

Жамоатчилик кенгаши аъзоларига биз учун ватанпарварлик ойлиги йўқ, биз учун ватанпарварлик йиллиги бор, деб кўп айтаман. Бу нафақат кенгаш вакиллари учун, балки, бутун халқимизга тегишли масъулиятли вазифадир. Негаки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳар куни ҳушёр ва сергак бўлиб, шу Ватаннинг бир қисми эканлигини англаб яшасагина, бу тупроқ гуллаб-яшнайди, обод бўлади, унга ёмон кўзлар тегмайди.

Жамоатчилик кенгаши расман 28 кишидан иборат. Лекин халқимиз орасида кенгашга аъзо бўлмай фаол ишлаётган қанчадан-қанча зиёлиларимиз, элимизнинг жонкуяр фарзандлари бор. Улар орасида тинчлик учун, Ватан равнақи учун курашадиган одамлар жудаям кўп. Ҳазрат Навоий "Садди Искандарий" достонида "Йёлу Ватан узра то жони бор, Киши ҳарб этар токи имкони бор", деб лутф этганлар. Яъни, оила, аҳли аёл ва Ватан учун инсон жони борича ҳимояга шай туриши, ҳарб этиши шарт. Бу ҳикмат юз йиллар мобайнида замон чиғириғидан ўтган чин маънодаги ҳаётий фалсафадир.

Юртбошимиз Ватан ҳимоячилари куни байрамини Мустақиллик айёми даражасида халқимиз орасида кенг нишонланиб, сайлга айланиши ва юртдошларимизнинг кўнглидан чуқур ўрин олиши кераклигини таъкидлайдилар.

Бугунги дунёда тинчлик чинданам қадрли, ноёб неъматга айланиб бораётган бир пайтда, биздаги тинчлик — тараққиётнинг бош мезони бўлиб турибди. Мана, масалан, Бутунжаҳон банкининг куни кеча эълон қилинган прогнозида Ўзбекистоннинг 2016 йилдаги иқтисодий кўрсаткичларидан ҳам баланд даражага эришиши ҳақидаги шундай ижобий эҳтимоллар биздаги тинчликнинг барқарор экани ва халқимизнинг эртанги кунга ишончи юксаклиги кўрилиб, таҳлил қилиниши натижасида бериляпти.

Мамлакатда амалга оширилган изчил ва залворли ислоҳотлар туфайли ҳаётимизда, энг асосийси, онгимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, жумладан, ҳарбий хизматга бўлган муносабат ҳар қандай хуружларни тўхтатиш учун мустаҳкам пойдевор яратилганидан далолат беради. Буни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Лекин ёшларимизга олий ўқув юртларида, коллеж-лицейларда, мактабларда, керак бўлса, боғчаларда ҳам тинчлик неъматининг қадрини ҳис қилиб яшаш керак эканини таъкидлашдан тўхтамаслигимиз лозим. Бугун ойнаи жаҳон, интернет орқали баъзи давлатлар чегаралари аро аросатда қолиб, хору зор, ватангадо бўлиб, бировнинг қўлига қараб қолган минглаб одамларни, минглаб тақдирларни кўриб турибмиз. Айниқса, уларнинг орасидаги ёшлар, она сути оғзидан кетмаган мурғак гўдакларнинг кўплиги кишининг кўнглини эзади. Бундай фожиаларнинг сабаблари ва оқибатини ҳам бир ўйлаб кўрсак фойдадан холи бўлмасди. Қай юртда бўлмасин, мусофир одам мунософир, муҳожир одам муҳожир бўлиб қолаверади. У жойларда сен ўз саҳроингдаги кенгликни, эркинликни, мусаффо ҳавонгни топа олмайсан! Ўзга юрт сенга ватанлик қилолмайди барибир. Одамзодда ватан битта бўлади! Қўпол қилиб айтсак, Ватаннинг эгизаги бўлмайди ҳеч қачон.

Айрим нотинч давлатларнинг сиёсатдонлари имкониятлари бор пайтда ўз юртларида тинчликни сақлай олмаганликлари, лоқайдликлари, бепарволиклари сабаб шундай тўполонлар содир бўлди, ватанлари парчаланиб кетди. Баъзи бир жойларда бўлган инқилобларда одамлар демократия ниқоби ортига беркинган боши-охири йўқ, мавҳум тушунчанинг орқасидан эргашиб, гуллаб турган туппа-тузук мамлакатларининг оёғини осмондан қилди, уруш оловларини ёқди. Бу оловни ҳалигача ўчиролмяптилар, ҳамон мамлакатни инқироздан олиб чиқолмяптилар, ҳали-бери олиб чиқолмайди ҳам. Чунки халқимизда бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун фаришта қочади, деган нақл бор. Буни янада ойдинроқ айтадиган бўлсак, бир кун уруш бўлган жойдан қирқ йил барака қочади. Урушнинг жароҳати битиши учун анча вақт кетади. Агар шунда ҳам ўша яра битса. Мана, масалан, Иккинчи жаҳон урушининг жароҳатлари ҳалиям битгани йўқ-ку!

Мен бир фикрни кўп айтаман. Китоб ўқишга энг чанқоқ, мутолаага энг ташна бўлган тоифа бу аскарлар, ҳарбий хизматчилар. Муҳит сабаб улар астойдил китоб ўқишади. Уларнинг эҳтиёжини қондириш, қўлларига, кутубхоналарига китобларни етказиб бериш эса бизнинг вазифамиз. Низомимизда ҳам уларни нафақат жисмоний, балки маънавий, маърифий, руҳий жиҳатдан ҳам шакллантириш каби масалалар илгари сурилган. Инсоннинг маънавиятини эса китоб том маънода шакллантира олади.

Яқинда "Ижод" фонди ҳисобидан армиямиз, ҳарбий қисмлар кутубхоналари учун 130 миллион сўмлик китоблар сотиб олдик. Бу китоблар орасида Юртбошимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли янги китоби, Широқ, Алп Эр Тўнга сингари миллий қаҳрамонларимиз ҳақидаги асарлар, Жалолиддин Румийнинг "Муҳаббат маъвоси", Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазаллари жамланган "Мубтало бўлдим санга...", Пушкиннинг "Эсимдадир ажиб дам ҳали", Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Эркин Аъзамнинг "Шовқин", Ойдин Ҳожиеванинг "Зулфия абадияти", Ашурали Жўраевнинг "Конверт одам" каби китоблари бор. Бундан ташқари, ҳарбий қисмларимизни Ёзувчилар уюшмаси нашрларига обуна қиляпмиз. Шунингдек, хизмат бурчини ўтаб уйига қайтаётган аскарларимизга китоблар — масалан, Қодирий ё Чўлпоннинг романларини совға қилишни анъанага айлантирмоқчимиз. Аскарларимизнинг ҳарбий хизматдан кейин уйларига китоб билан қайтишида ҳам маънавий тарғибот бор. Шу билан бирга, аскарлар орқали мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагига китобларнинг етиб боришига эришамиз. Армиядан олиб келинган китоб ҳеч қачон тандирга ташланмайди. Собиқ аскарнинг аёли ўқийди, эҳтиёт қилади, болаларига "даданг армиядан олиб келган мукофот бу китоб", деб уқтиради. Шу баҳонада маърифат, қайд этганимиздек, Қодирий домланинг, Чўлпон домланинг китоблари ўз эгаларини топади. Мана шу жойдан адабиётга, маънавиятга муҳаббат бошланади.

ЎзА суратлари

Айни кунларда ишларимиз, фаолиятимиз авжи қайнаган пайт. Жойларда ҳарбийлар билан кўплаб учрашувлар ўтказяпмиз. Жамоатчилик кенгаши аъзолари, ижодкорларимиз вилоятларда уюштирилаётган тадбирларда иштирок этишяпти. Ўзим ҳам яқинда Самарқандга бориб келдим. Ўтган ойнинг 27-санасида Фарғонада ҳарбий хизматни ўтаётган самарқандлик аскарлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда Самарқандда ҳарбий хизматни ўтаётган фарғоналик аскарлар ва уларнинг ота-оналари билан видео-онлайн учрашув ташкиллаштирилди. Тадбирда иштирок этган ёш ижодкорлар намунали ҳарбийлар номига муаллиф — бағишлов ёздилар. Бу иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди. Жумладан, ёш шоира Мурувватхон Ғаффоржонова оддий аскар Ўткирбек Хидировга атаб шундай шеър ёзди:

Ўткирбек, лочиндек қанот ёзибсиз,
Тасанно ғайрату шиддатингизга.
Комил аждодларнинг изин босибсиз,
Ифтихор бағишлаб миллатингизга.
Равнақ гуркирайди тинч мамлакатда,
Бахт қуёши мудом порлаб туради.
Етишгай муродга йигит, албатта,
Кўнгиллар тўйларга чорлаб туради!

Энг асосийси, Ватан ҳимоячилари байрами одамларимизнинг қалби, ёшларимизнинг кўнглидан жой олаётгани, бир-биримизни табриклашни ўрганаётганимиз, қизларимиз йигитларга шеърлар битаётгани, телефонларда СМСлар ёзишаётгани, ўзимиз ҳам қутловлар битиб, табриклар олаётганимиз кўнгилни тоғдай ўстиради. Ушбу муҳит замирида ватанпарварлик шаклланади. Ёшларимиз, мактаб ўқувчилари мен Ватан ҳимоячиси бўлар эканман, шу Ватаннинг эртаси ва эгаси эканман, деган тушунчалар билан улғаяди. Тўғри, ҳамма ҳам ҳарбий хизматни ўтай олмаслиги мумкин. Лекин шу заминда яшаётган ҳар бир одам ўз уйининг қадрини билиши, Ватанни яхши кўриши, у хоҳ қиз бола бўлсин, хоҳ ўғил бола бўлсин, ота-онасига муносиб фарзанд бўлиб улғайиши шарт!

Мустақиллик даврида турли воқеалар сабаб ҳалок бўлган ҳарбийларимиз бор. Уларни хотирлаш, қабрларини обод қилиш, хонадонларига бориб оилаларидан хабар олиш, яқинларига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатишда касаба уюшмаларининг хизматлари борлигини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Шу ўринда Жамоатчилик кенгаши номидан уларга миннатдорлик билдириб ўтаман. Бу ниҳоятда савоб иш. Қолаверса, ҳалок бўлганлар халқимизнинг қаҳрамонлари. Улар ўқиган мактаблардаги учрашувларни тинчлигимизни қадрлайлик, бошқа бундай қурбонлар бўлмасин, деган жуда катта маънодаги маърифий тадбирларга айлантиришимиз зарур.

Юртбошимизнинг мамлакатимиз ҳудудига бошқа ҳарбий блокларнинг киритилишига йўл қўймаймиз, ўзимиз ҳам чет мамлакатларда ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаймиз, Ўзбекистон ҳарбий блокларга аъзо бўлмайди, деган сиёсати, қатъий туриб, мана шу ғояни ҳимоя қилганликлари тагида бизнинг йигитларимиз бегона тупроқларда мавҳум ва ўткинчи ғоялар учун жонларини қурбон қилиши керак эмас, деган кенг маъно бор. Уларнинг жонлари ўз Ватанининг равнақи учун, шу Ватанга хизмат қилиши учун, Ватанни севиш учун, Ўзбекистонни гуллатиб-яшнатиши учун керак бўлади, Ўзбекистоннинг барча ёшлари менинг фарзандим, деганлари ҳаётда ҳам ўз аксини топганига гувоҳ бўляпмиз.

Имкониятдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклайман! Юртимизда тинчлик бўлсин, осойишталик ҳукм сурсин! Ватан ҳимоячилари куни бир кунлик байрам эмас, тинч ва осуда мамлакатимизда ўтаётган ҳар бир кун байрам, ҳар бир соат катта шукуҳ, мазмунга эга. Юртда тинчлик, осойишталик бўлса, мана шу тинчликка, осойишталикка биз ўз ҳиссамизни қўшсак, Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнайди, мамлакатимиз дунё ҳавас қиладиган мартабага, албатта, чиқади. Агар жаннат кўкда бўлса, остидадир Ўзбекистон, деган сатрларимиз бор эди. Агар жаннат ер юзида яратилса, у бизнинг Ўзбекистонимиз бўлади! Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси

Касаба уюшмалари — ҳарбийларга

(1).

Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» республика танловининг «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири» номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритган 5 нафар ҳарбий хизматчилар Федерация Кенгаши томонидан ноутбук билан тақдирланди.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳарбий қисмларнинг моддий-техник базасини бойитиш ишларига касаба уюшмалари томонидан жами 147 млн. 417 минг сўм маблағ йўналтирилди.

***

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллигида ҳудуддаги ҳарбий қисмлар ҳамда муассасаларда ана шундай тадбирлар ўтказилди.

Санъаткорлар, бадиий жамоалар, ёзувчи-шоирлар, олим ва мутахассислар иштирокида «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остидаги кенг қамровли тадбирлар доирасида Жомбой туманидаги Н-ҳарбий қисмда «Касаба уюшмалари — ҳарбий қисмда» мавзуида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Т.Нарбаева, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Раббимова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси М.Бобоёров, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Х.Нормуродов, Н-ҳарбий қисм командири ва бир гуруҳ маданият, адабиёт ва санъат намояндалари иштирок этди.

Тадбирда Федерация Кенгаши томонидан ҳарбий қисмга ноутбук ва Самарқанд вилоятидаги ҳарбий қисмларда ўз хизматини намунали олиб бораётган 10 нафар ҳарбий аёлга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, Жомбой тумани «Назар» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилган, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган М.Тожиевнинг хонадонида бўлиб, оила аъзоларига Касаба уюшмалари Федерациясининг моддий ёрдамини топширилди. Бу каби манзилли моддий ёрдам 25 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига ҳам кўрсатилди.

Самарқанд шаҳрида «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» мавзуида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда 700 нафардан зиёд фаоллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари, офицер, сержант, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Хизматни намунали олиб бораётган мудофаа, ички ишлар, миллий хавфсизлик, фавқулодда вазиятлар соҳаси ходимлари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, тарғибот гуруҳлари иштирокидаги кенг қамровли тадбирлар Самарқанд гарнизонининг офицерлар уйида, Самарқанд Олий ҳарбий автомобил муҳандислик билим юрти, Сержантлар тайёрлаш мактаби ва ҳарбий қисмларда ҳам бўлиб ўтди.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ўртасида ўтказилган «Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси» номли видеомулоқотда вилоятдаги ҳарбий қисмларда Хоразмдан келган ва ҳарбий хизматни ўтаётган 30 нафар ҳамда Хоразм вилоятидаги ҳарбий қисмларда Самарқанд вилоятидан борган ва хизматни ўтаётган 30 нафар йигитлар ва уларнинг ота-оналари, мутасадди ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда ота-оналар ўз фарзандларини мониторлар орқали кўриб, уларга яратилган шарт-шароит билан танишишди.

Сардор ЯҚУБОВ,
ЎзКУФК етакчи мутахассиси

***

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзуида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлганларнинг оилаларига моддий ёрдам, 10 нафар илғор ҳарбий аёлга қимматбаҳо совға ва Н-ҳарбий қисмга қимматбаҳо совға тақдим этилди.

Шунингдек, «Ватан фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмайди» шиори остида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлганларнинг оилаларидан хабар олинмоқда.

Норимхол НУРМОНОВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

***

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув йиғин пунктида тадбир ташкил этди.

Хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик органлари ходимларидан 8 нафарининг оиласига манзилли моддий ёрдам, Шимолий-Ғарбий Ҳарбий округига қарашли Н-сонли ҳарбий қисмдан 3 нафар, Сержантлар тайёрлаш мактабидан 5 нафар илғор ҳарбий аёлга электр маиший техника воситалари ҳамда Н-ҳарбий қисмга ноутбук топширилди.

Қаҳрамон МАШАРИПОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходими

***

Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида Пахтаобод туманида жойлашган МХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда тадбир ташкил этилиб, ҳарбий қисмга 2,6 млн. сўмлик овоз кучайтириш мосламалари совға қилинди.

Андижон шаҳрида жойлашган Н-ҳарбий қисмдаги маданий тадбир ҳам эзгу мақсадга хизмат қилди. Ҳарбий қисмга касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғаси тақдим этилди. Соғлом она ва бола йили муносабати билан 10 нафар ҳарбий хизматчи аёлга замонавий уй-рўзғор буюмлари, хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган 5 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига 250 минг сўмдан моддий ёрдам пуллари топширилди.

Шунингдек, байрам муносабати билан бирлашма кенгаши вакиллари хизмат бурчини бажариш даврида ҳалок бўлган 46 нафар ҳарбий хизматчи ҳамда ички ишлар ва миллий хавфсизлик органлари ходимларининг оила аъзоларидан хабар олиб, уларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 250 минг сўмдан манзилли ёрдамини етказишди.

***

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари акция доирасида Чирчиқ шаҳридаги марҳум ҳарбий хизматчи Н.Абкелямов ҳамда В.Ёқубов хонадонларида бўлиб, уларнинг оила аъзоларига байрам муносабати билан совғалар тақдим этишди.

— Хотира муқаддас, инсон қадри азиз юртда яшаётганлигимдан фахрланаман. Отам билан ҳамиша ғурурланаман, — дейди Н.Абкелямовнинг ўғли Искендер Абкелямов.

***

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда **Тошкент** шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Миробод туманидаги Н-ҳарбий қисм ҳамда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида тадбир ташкил этилиб, ҳарбийларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Шунингдек, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган 45 нафар ҳарбий хизматчининг оилалари моддий қўллаб-қувватланди. Мудофаа вазирлиги Марказий архивининг 16 нафар ишчи-хизматчиси ҳам касаба уюшмаларининг совғалари билан тақдирланди.

Шу билан бирга, Мудофаа вазирлиги тизимидаги Тошкент шаҳар ҳарбий округи ва бошқа ҳарбий қисмлардаги 10 нафар аёлга қимматбаҳо совғалар топширилди.

***

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси **Наманган** шаҳар кенгаши ҳам Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб тадбир ўтказди. Унга хизмат бурчини бажариш пайтида вафот этган ҳарбий Ином Юсуповнинг оила аъзолари ва меҳнат фахрийлари таклиф этилиб, эсдалик совғалари тақдим этилди.

***

Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Мирзаобод туманидаги Н-ҳарбий қисмда «Касаба уюшмалари — ҳарбий қисмда» мавзуида маданий тадбир ўтказилиб, ҳарбий қисмга Касаба уюшмалари Федерациясининг қимматбаҳо совғаси топширилди.

Вилоят ҳудудидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган 10 нафар аёл ҳам касаба уюшмаларининг эътиборидан четда қолмади. Уларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шу куни бирлашма кенгаши вакиллари Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган 3 нафар ҳарбий хизматчи ҳамда хизмат пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларидан 4 нафарининг оила аъзоларидан хабар олиб, касаба уюшмаларининг моддий ёрдамини топширишди.

***

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан акция доирасида тадбир ўтказилиб, 10 нафар илғор ҳарбий аёлга совғалар топширилди. Хизмат бурчини бажараётиб ҳалок бўлган 16 нафар мудофаа, ички ишлар ҳамда миллий хавфсизлик хизмати тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига 250 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, вилоятда жойлашган ҳарбий қисмларда ўғлонларимиз қаторида юртимиз шарафини кеча-кундуз ҳимоя қилиб келаётган бир гуруҳ аёлларга Федерация Кенгашининг эсдалик совғалари тақдим этилди. Жанубий сарҳадларни қўриқлашда энг илғор бўлган Н-ҳарбий қисмга касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғаси топширилди.

***

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан акция доирасида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги Фарғона гарнизони офицерлар уйида ўтган тадбирда Ватанимиз сарҳадларини мардонавор ҳимоя қилаётган 260 нафар аскар ва офицер иштирок этди.

Хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган 17 нафар мудофаа, фавқулодда вазиятлар ва ички ишлар вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчилар оилаларига моддий ёрдам берилди. Йигитлар билан бир сафда хизмат қилаётган илғор ҳарбий хотин-қизларнинг 12 нафарига қимматбаҳо совғалар топширилди. Вилоятдаги Н-ҳарбий қисмга ноутбук, Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги кутубхонаси учун эса китоблар жамланмаси совға қилинди.

***

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Касаба уюшмалари — ҳарбийларга" акцияси доирасида тадбир бўлиб бўлиб ўтди.

Хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик органлари ходимларидан 10 нафарининг оиласига 250 минг сўмдан манзилли моддий ёрдам, 11 нафар илғор ҳарбий аёлга электр маиший техникалари берилди.

Шунингдек, акция доирасида Нишон туманида жойлашган Н-ҳарбий қисмга қимматбаҳо совға топширилди.

Ўз мухбирларимиз

Ўзбекистон тарихи давлат музейида ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида уч авлод учрашуви ўтказилди.

Уч авлод учрашуви

Унда ҳарбий қисмлар аскарлари, курсантлар, касаба уюшма фаоллари, ёш олимлар, таълим муассасалари ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар юрт тинчлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Маданият ва аҳоли дам олиш маркази санъаткорлари, коллеж ҳамда академик лицейлар иқтидорли ўқувчилари, таниқли хонандаларнинг чиқишлари барчага байрамона кайфият бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Байрам муносабати билан

Республикамизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва билимли ёш авлодни тарбиялаш мақсадида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари айни кунларда ҳарбий қисмларда бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишмоқда.

Шу ўринда, Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари шифокорлари томонидан ўтган йил давомида республика бўйича жами 146 та ҳарбий қисм, ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий муассасалардаги 13191 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилганини таъкидлаш жоиз.

Яна бир муҳим жиҳат, Фонд томонидан 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар ҳам кенг миқёсда ташкил этилмоқда. Жумладан, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда Чирчиқ гарнизони ҳарбий қисм ва муассасаларининг ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли кучлар ишчи-хизматчилари учун "Ўзбегим ёшлари" гуруҳи иштирокида концерт уюштирилди.

Бундан ташқари, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарбий хизматчи, курсант ҳамда офицерлар учун "Суғдиёна" халқ чолғулари миллий камер оркестри иштирокида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Юрт равнақи, аҳоли турмуш фаровонлиги — устувор мақсад

Реклама ўрнида

Бугунги кунда мамлакатимизда уй-жой қурилиши ҳамда иқтисодиётнинг мазкур соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларни ривожлантириш — банк-молия тизими учун ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатда иштирок этишнинг самарали усулларидан биридир. Қолаверса, ушбу соҳа тижорат банклари активлари ва ишончли ресурс базасининг мустаҳкам манбасини яратишда самарали механизм бўлиб шаклланмоқда.

Маълумки, банк бизнесини ҳудудлар миқёсида ривожлантириш банк фаолиятини барқарорлаштиришнинг замонавий тамойилларидан ҳисобланади. Ипотека-банк тизимнинг мана шундай мезонларидан келиб чиқиб, республикамиз ҳудудлари бўйлаб ўз инфратузилмасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратяпти. Бугун аҳоли ва юридик шахслар хизматида бўлган 38 та филиал, 129 та мини-банк, 530 дан ортиқ жамғарма ва махсус касса ҳамда 83 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки мана ўн йилдирки, мамлакатимиз уй-жой бозорини ривожлантиришда собитқадамлик билан ўз молиявий фаолиятини барқарорлаштириб бормоқда.

Муассаса фаолиятининг ўсиш тенденциясини унинг фаолиятига баҳо бераётган рейтинг компаниялари хулосаларида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, Moody's ва Standard & Poor's халқаро рейтинг компаниялари банкнинг кредит ва депозит сиёсатини ижобий баҳолаб, унинг истиқболини бир неча йиллардан бери "Барқарор" дея тасдиқлаб келмоқда.

Банк республика бўйича узоқ муддатли ипотека кредитлари асосида уй-жой қурувчи ташкилотларга кредит ажратиш учун маҳаллий ва хорижий инвестиция маблағларини жалб қилиб келмоқда. Пировардида, юртимизда бир неча юзлаб импорт ўрнини босувчи, тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Мавжудларининг технологик ва хом ашё базаси шакллантирилиб, уларнинг иш унумдорлиги ва аҳолининг бандлик даражасини оширишга эришилди. Энг муҳими, муассасанинг молиявий хизматлари асосида республикамизнинг турли ҳудудларида бир-биридан кўркам, замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлади. Уйлар атрофида аҳолининг барча турмуш ва маиший эҳтиёжларини қамраб олувчи савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу борада агар ривожланган давлатлар тажрибасига кўз ташлайдиган бўлсак, уларда инвестициялар таркибида умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлган улуши айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўғри келаётганининг гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизда ҳам истиқлол йилларида аҳолини уй-жой билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилгани бежиз эмас. Давлат ва жамиятнинг муҳим бўғини — оилалар фаровонлигини оширишда дастлаб уларнинг турар жой муаммоларини ҳал қилиш, айниқса бизнинг менталитетимизга хос устувор масала саналади. Қолаверса, уй-жой қурилиши нафақат халқ турмуш тараққиёти билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этиш, балки коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқларининг янада ривожланишига туртки бўлади. Бу, ўз навбатида, бозор иқтисодиётига асосланган Ўзбекистон шароити учун ўта долзарблик касб этади. Шу боис Ипотека-банк ташкил этилганида ушбу вазифалар унинг устувор йўналиши сифатида бизнес-режаси, узоқ муддатли стратегияси ва муассасани ривожлантириш концепциясида акс эттирилди.

Бугунги кунда банкнинг айнан уй-жой бозорини тараққий эттиришдаги фаолиятини сарҳисоб қилсак, ўтган давр мобайнида муассаса томонидан аҳолига фойдаланишга топширилган уйлар сони 42 тани, квартиралар сони 1320 тани ташкил этди, квартираларнинг умумий майдони эса, 127 минг кв. метрдан ошганлигининг шоҳиди бўламиз. Айни пайтда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий, қулай ва кўркам турар жойлар барпо этиш, маиший хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ободонган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ёш оилаларга "Камолот" уйлари сифатида сотишда ипотека кредитлари асосида расмийлаштирилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 20 ноябрдаги "2015 йилда Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида замонавий қулай турар жой яратиш чораларини янада мустаҳкамлашда" ги Президентимизнинг 2015 йилнинг 7 январдаги "2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштираётир. Айни ҳужжатга асосан, 2015 йилда Ипотека-банк томонидан вилоятларда 3049 та намунавий уй қурилди. Бу 2014 йилга нисбатан 3 баравардан ортиқ демакдир. Мазкур уй-жойларнинг қурилиши учун 361 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Агар ўтган йилда Ипотека-банкнинг аҳолига ажратган ипотека кредитларини сарҳисоб қиладиган бўлсак, улар 4280 минг оилага берилган 497,8 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 110,2 млрд. сўми 1020 дан ортиқ оилага янги қурилган кўп қаватли турар жой биноларидаги квартираларни сотиб олишга, 361,7 млрд. сўмлик қисми эса 3042 та оилага хусусий уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун (шу жумладан, намунавий уй-жойларга) тақдим этилганига гувоҳ бўламиз.

Бундан ташқари, аҳолига уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирувчи замонавий маиший-техника, уй жиҳозлари, мебел воситаларини харид қилиши, таълим, дам олиш мақсадлари учун 36 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилиб, уларнинг 11 млрд. сўми ёш оилаларга имтиёзли равишда тақдим этилди.

Қурилиш билан боғлиқ кўплаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш долзарблик касб этади. Шунга кўра, Ипотека-банк, юқорида таъкидланганидек, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Чунончи, ўтган йилда ушбу йўналишда жами 62,2 млрд. сўмлик кредитлар берилиб, шу маблағлар ҳисобига қарийб 100 та рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг лойиҳалари молиялаштирилди.

Шунингдек, банк республикамиз молия бозоридаги универсал молия муассаса сифатида банк тизимининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларининг асосий бўғини бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ва шу орқали юртимизда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунончи, ўтган йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 861 млрд. сўм миқдорида кредит ва 207,7 млрд. сўмлик микрокредит хизматлари кўрсатилди. Ушбу маблағлар ҳисобига кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, натижада 17600 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Буларнинг барчаси тинч ва осойишта юртимизда молия-банк сиёсати, кредитлаш механизми тубдан такомиллашиб, банк хизматлари кўрсатиш сифати юксалиб бораётгани самарасидир.

Мухтасар айтганда, Ипотека-банк мамлакатимиз молия бозоридаги фаолияти давомида муайян ютуқларга эришиб, тадбиркор ва ишбилармонларнинг яқин ҳамкори сифатида фаолият кўрсатмоқда. Айни кунда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу эса мамлакат молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Банк материаллари асосида «Ishonch» мухбири Жамшид ЭРГАШЕВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Маълумки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил этилиши маҳаллий хом ашё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ички бозорни истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдириш имконини беради. Соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, ушбу сектор субъектларини кредитлаш ҳажмларининг ўсиши бу борадаги ижобий ўзгаришларга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Корхонамиз ташкил этилганига кўп бўлмаганига қарамай, бугунги кунда аҳолининг қурилиш молларига бўлган эҳтиёжининг кун сайин ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда ички бозорни кенг кўламда сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Корхонамизда безакли майоликалар ҳамда тошойналар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, ойналарни гулли нақш билан ўйиш, уларни эгиш хизматлари ҳам йўлга қўйилган. Дизайн соҳасининг кескин суръатлар билан ривожланиб бораётгани биздан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда технологик асбоб-ускуналарнинг ҳам энг сўнгги русумларидан фойдаланишни талаб этади. Ипотека-банкнинг Хусусий тадбиркорлик секторини ривожлантириш Ислом корпорациясининг кредит линиясини жалб қилганлигидан хабар топиб ушбу банкка мурожаат қилдик. Банк жамоаси бизнес режамизни кўриб чиқиб, 452 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни кредит линия ҳисобидан ажратишга қарор қилди. Ушбу маблағ эвазига Туркияда ишлаб чиқарилган майолика ишлаб чиқариш ускунаси ва Хитойда ишлаб чиқарилган ойналарга ишлов бериш ускунасини харид қилдик. Айни пайтда корхонамиз қунига 300 кв.м. майолика ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ҳозирда маҳсулотларимиз хавфсизлигини таъминлаш ва уларни инсон саломатлиги учун фойдали экологик тоза хом ашёдан тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз. Олган сармоямиз ҳисобига 10 га яқин янги иш ўринлари очилиши билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми яна бир поғонага ўсди. Муассаса билан ҳамкорликда маҳсулотларнинг турини кўпайтириш баробарида унинг сифатини яхшилаш мақсадида хорижий технологик асбоб-ускуналарни сотиб олишни режалаштирганмиз. Бунда биз Ипотека-банк Яккасарой филиали молиявий кўмагига таянамиз. Эндиликда биз замонавий, пишиқ ҳамда чиройли дизайнли маҳсулотларимиз билан нафақат юртимизда, балки хориж бозорларида ҳам муносиб ўрнимизни топа оламиз деб ишонамиз.

Одил ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳридаги "Зета Максимум" МЧЖ корхонаси раҳбари

IPOTEKA BANK

Янги оила қурган ёшлар учун уй-жойга эга бўлиш энг муҳим масала ҳисобланади. Мен ҳам катта ҳаёт сари қадамни оиламнинг бахтли ва қувончли кунларини муносиб ўтказадиган маскан — турар жой сотиб олиш билан бошладим. Бунда ёш оилалар учун ажратилаётган ипотека кредитлари қўл келди. Банкка шу масалада мурожаат қилганимда қисқа фурсатларда бирламчи уй бозоридан ҳамма қулайликка эга хонадон сотиб олишимда ёрдам берди. Ипотека-банкнинг Фарғона вилояти филиалидан 2015 йил ноябр ойида уй-жой учун 106 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига шаҳримиздаги Маърифат кўчасида жойлашган замонавий турар жойдаги шинам 3 хонали хонадон соҳиби бўлдим.

Янги уйдаги барча шароитлар замонавий ва хавфсиз, айниқса, иссиқ сув ва иситиш мосламаларининг сўнгги технологиялар асосида жойлаштирилгани кишини мамнун этади. Хоналари кенг. Энг муҳим жиҳати, кредит фоизларининг пастлиги ва муддатларининг мақбуллиги уй-жой сотиб олиш учун яхши имконият деб айтиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, банк ходимларининг хонадоннинг уй ҳужжатларидан тортиб нотариусгача бўлган мулоқотлардаги иштироки соҳада профессионал ходимлар иш юритаётганидан дарак беради. Ипотека кредитлари ажратишнинг пухта, очиқ-ошкора механизми ишлаб чиқилгани, банк яратаётган қулайликлар, мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг юқорилигидан мамнунмиз.

Яқин келажакда ёш оилалар учун ажратилган истеъмол кредитлари билан танишиб уйга керак бўладиган, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирувчи буюмларини сотиб олиш ниятидамиз. Бунда ҳам биз банкнинг молиявий кўмагига таянамиз. Ўйлайманки, ёш оилалар учун яратилаёган бу имконият ва имтиёзлар уларнинг бахтли ҳаёт сари илдам одимлашига ёрдам беради.

Зарнигор АБДУЛЛАЕВА,
Фарғона шаҳри

Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Мустақиллик йилларида барпо этилган муҳташам иморатлар, равон йўллару кўприклар, серфайз боғ ва хиёбонлар, намунавий турар жойлар, замонавий маҳаллалар киши дилини қувнатиб, қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиради. Фарғона шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Бундан бир неча йил аввал Фарғонада бўлган киши бугун уни таний олмай қолиши шубҳасиз. Чунки қисқа фурсатда амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар барчанинг ҳайратини оширмоқда. Юртимизда юз бераётган ободончилик ва бунёдкорлик шукуҳи шиддат билан ўзгараётган даврда барча соҳалар қатори архитектура ва қурилиш соҳасини ҳам мунтазам янгиланиш, тубдан ислоҳ қилишга туртки бераётир.

Бизнинг ташкилот 2005 йилдан бери ушбу банкда мижоз сифатида фаолият юритиб келмоқда. Корхонамиз асосан қурилиш фаолияти билан шуғулланади. Аҳолига турар жойларни қуришда биз Ипотека-банк кредитларига суянамиз. Ишончли ҳамкор, қолаверса, кредит шартларининг мақбуллиги айниқса, эътиборли. Кредит олишнинг содда механизми ишлаб чиқилгани, банк хизматларининг ҳақиқий профессионаллар томонидан кўрсатилаётганидан мамнунмиз. Ўтган йиллар давомида банк кредитлари ёрдамида Кўқон шаҳрида 2 та 4 қаватли, Фарғона шаҳридаги 4 та 5 қаватли қурилган турар жойларни мисол қилиб келтириш мумкин. Албатта, ушбу турар жой биноларини барпо этишда ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва мавсумбоп қурилиш материалларидан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, вилоятимиздаги ижтимоий инфратузилма объектларининг қад ростлашида катта ҳисса қўшиб келмоқдамиз.

Бугунги кунда корхонамизда 49 та ишчи ўрни ташкил қилинган. Шулардан 10 таси касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Ташкилотимизнинг етакчи ходимлари эса уларга касб сирларини ўргатиб, келажакда соҳанинг керакли кадрлари бўлишига замин яратиб келишмоқда.

Яна айтишим керакки, бунёдкорлик ҳар қандай кишига завқ бағишлайди. Фарғонада олиб борилаётган ишлар, Президентимиз раҳнамолигида бутун мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, эзгу саъй-ҳаракатлар инсон манфаатига қаратилганлигининг тасдиғи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва фаровон ҳаётнинг амалий самарасидир.

Айгул ЗАКИРОВА,
Фарғона шаҳридаги "Файз Бинокор Олтиариқ" хусусий қурилиш-монтаж корхонаси раҳбари

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:00**
Topshirildi — **23:40**
2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma Г — 115.
20775 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

МУНДАРИЖА

№	БЎЛИМЛАР	Бет
I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	2
II.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	3
III.	МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.	5
IV.	ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ	9
V.	МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ	13
VI.	МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ	17
VII.	МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ	18
VIII.	МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ	19
IX.	ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР	25
X.	МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ	29
XI.	АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР	30
XII.	ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР	33
XIII.	МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ	36
XIV.	ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ	36
XV.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	39
XVI.	ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК	40
	ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ	41

Жамоа шартномасининг макети амалдаги жамоа шартномалари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг 2015 йил 10 декабргача бўлган ўзгаришларига мувофиқлаштирилган.

Макет матни тавсиявий тусга эга. Айни пайтда, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бевосита кўрсатма берилган меъёрий ҳолатлар қизил шрифт билан келтирилган ва жамоа шартномасига киритилиши шарт. Муайян жамоа шартномасини қабул қилиш жараёнида мазкур макет матнида ишора қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси моддалари мазмунини алоҳида иловада ёритиб бериш тавсия этилади.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини қабул қилишдан олдин тегишли молия органлари билан келишиб олиш тавсия этилади.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқулланган

20__ йил «____»_____
Баён № _____

_____
(корхона, ташкилот, муассаса номланиши)

_____ **йил(лар) учун**

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига биноан жамоа шартномасига имзо чекдилар:

Иш берувчи — **Касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

_____ _____
(Ф.И.О.) (Ф.И.О.)
20___ йил 20___ йил
«____»_____ «____»_____

Жамоа шартномаси қуйидагилар иштирокида имзоланди

Иш берувчи вакиллари

1.
2.
3.

Ходимлар вакиллари

1.
2.
3.

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

8.17 Меҳнат шароити ноқулай, зарарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчиларга Меҳнат кодексининг 217-моддасига мувофиқ ҳар ойда 400 граммдан совун, гигиена воситалари билан бепул таъминлаш ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқини берадиган касб ва лавозимлар рўйхатини тузади *29-иловага* мувофиқ берилишини таъминлайди.

8.17.1. Меҳнат шароити ноқулай бўлган ходимларни белгиланган нормалар бўйича газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун) ва газлаштирилган сув билан бепул таъминлайди (маблағлар етарли бўлганда бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар – чой, шарбат ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

8.18. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишини уларни чиқимдор қилмаган ҳолда *31-иловага* мувофиқ ташкил қилади.

8.19. Корхона ҳудудини ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақлаш, юриш ва ўтиш жойларининг талаб этиладиган оралиқ ўлчамлари аниқ белгиланган бўлиши ва уларга қатъий амал қилиниши Корхона ички транспортидан фойдаланишда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

8.20. Мансабдор шахслар ва инженер-техник ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси, технологик интизом қоидалари талабига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирация жиҳозларининг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилинишини таъминлайди. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймайди. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан асбоб-ускуналарнинг тегишли жойлари, иссиқ ёки совуқ сув, буғ ва газ қувурларининг ўз вақтида меъёрий ҳужжатлар талабларида белгиланган рангларга бўялишини таъминлайди.

8.21. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган) талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этади.

8.22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатдан ўтказилган "Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида"ги Низомга кўра сайланган Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг ўқишини улар сайлангандан сўнг бир ой ичида касаба уюшма қўмитаси иштирокида ташкил қилади.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

8.23. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилнинг ўз вазифаларини иш вақтида бажариши учун ўртача маошини сақлаб қолган ҳолда ҳафтада тўрт соатдан кам бўлмаган вақт ажратади.

8.24. Ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш, ҳамда йил якунига кўра мукофотлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Касаба уюшмаси қўмитасининг мажбуриятлари

8.25. Касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси таркибини тасдиқлайди, касаба уюшмаси фаоллари ўқувини ўтказади (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилган ҳолда).

8.26. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзолари ёрдамида ходимларнинг меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрлари талабларига қандай амал қилаётганликлари устидан доимий назорат ўрнатади.

8.27. Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларига бўлган талабномаларни Корхонанинг моддий-техника таъминоти хизматлари (бўлимлари)га ўтказилмасидан аввал касаба уюшма қўмитаси мажлисларида кўриб чиқади.

8.28. Ходимларга бериладиган махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлилиги, улардан мажбурий фойдаланилишини назорат қилиб боради.

8.29. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиянинг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларида, мансабдор ва (ёки) масъул шахслар томонидан қандай бажарилаётганлигини муттасил текшириб боради, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришади. Фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор ва (ёки) масъул шахсларни жавобгарликка тортиш масаласида Иш берувчига ва (ёки) ваколатли назорат идораларига таклифлар киритади.

8.29.1. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 14-моддаси талабларига асосан, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этилишини назорат қилади.

8.30. Жамоа шартномаси бўлимлари ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими лойиҳаларига таклифларни тўплайди ва уларни меҳнат жамоалари мажлисларида цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар бўйича муҳокама этилишини ташкил қилади.

8.31. Корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комис-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ятини олади.

14.13. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **меҳнаткашлар вакилларига** интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан **Иш берувчи** ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

XV. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Тарафлар тенглик асосида мазкур **Шартнома** бажарилишини текшириб борувчи комиссияни тузишни ўз зиммаларига оладилар.

15.2. Тарафлар йилда _____ маротаба мазкур **Шартнома** бажарилиши юзасидан текширув ўтказиш ва текширув натижаларини меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да муҳокама қилишни ўз зиммаларига оладилар.

15.3. Тарафлар Бош, тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий) келишувларни тан олиб, уларни бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Башарти юқорида номлари келтирилган келишувларга ўзгартишлар киритилса, **Иш берувчи** ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** _____ муддат ичида мазкур **Шартномага** тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича музокаралар олиб борилади.

15.4. Тарафлар шуни эътироф этадиларки, уларнинг мазкур **Шартномада** акс эттирилган манфаатлари улар томонидан жамоа шартномасининг барча шартлари ва мажбуриятлар сўзсиз бажарилган тақдирдагина рўйёбга чиқиши мумкин.

15.5. Касаба уюшмаси қўмитаси жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш юзасидан чақириладиган меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)дан олдин унинг лойиҳасини экспертиза учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига ёки адвокатлик фирмасига тақдим этади.

15.6. Мазкур **Шартнома** имзолангандан сўнг, тарафлар уни рўйхатдан ўтказиш учун юқори турувчи касаба уюшмаси органига ёки сақлаш учун нусхасини нотариусга тақдим этадилар.

15.7. Жамоа шартномаси имзолангандан сўнг, томонлар

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

и) **Корхонани** бошқаришда ходимларнинг амалдаги қонунларга зид бўлмаган шакллардаги иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

к) **Касаба уюшмаси қўмитаси** вакилларининг **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига киритилишида кўмаклашиш;

л) **Корхонани** ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

м) рационализаторликни ривожлантириш;

н) **Корхонанинг** иш самарадорлиги юксалишига, хом ашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта ҳисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.4. **Касаба уюшмаси қўмитаси:**

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

б) **Корхона** бошқарувининг ҳайъат органларига **Касаба уюшмаси қўмитаси** вакиллари сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

в) касаба уюшмалари фаолиятига хос услублар ёрдамида, шу жумладан, ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, **Иш берувчи** билан биргаликда илғорларни рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали **Корхонанинг** барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

г) меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, **Корхонани** бошқариш, жамоа шартномаси мажбуриятларини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ҳамда дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни **Иш берувчига** киритиб бориш;

д) ходимларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

е) мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар бажарилишини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

ж) тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш ташаббуслари билан чиқиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2.5. Ходимлар:

а) ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ва оғишмай бажариш, **Иш берувчининг** фармойишлари ва буйруқларини ўз вақтида ва

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҳақли. Бундай ҳолда етказилган зарар Корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

7.2. Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходимлар махсус ёзма шартнома асосида уларга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати 25-иловада келтирилган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 14 февралда 2326-сон билан рўйхатга олинган "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари"га биноан бундай органларнинг **юридик хизмат ходими (юрисконсульти)** билан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 22 июнда 2687-рақам билан рўйхатга олинган "Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари"га биноан **кассир (ғазначи)** билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши шарт).

7.3. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмаларнинг рўйхати 26-иловада келтирилган.

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
Иш берувчининг мажбуриятлари

Иш берувчи:

8.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (шартнома муддатида, ҳар йили) 20___ йилга_____минг (млн.) сўм маблағни:

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари режаси ва сарф-харажатлар сметаси)га _____ минг (млн.) сўм;

махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари учун _____ минг (млн.) сўм;

сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун _____ минг (млн.) сўм;

гигиена воситалари (ювиш воситалари ёки совун) учун _____ минг (млн.) сўм миқдорида цех (бўлим), участка ва ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиққан ҳолда ажратиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Барча режалаштирилган ва ажратишга келишилган маблағлар миқдори жамоа шартномасининг амал қилиш муддати

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ишлаб чиқиш ва қатъий бажарилишига эришиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

9.2. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қуйидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар:

а) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар учун (103, 144, 150-моддалар);

б) атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар учун (103-модда);

в) I ва II гуруҳ ногиронлари учун (68, 135, 143, 144, 150, 214, 220-моддалар).

9.3. Иш берувчи вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини қуйидаги миқдорларда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

9.3.1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга тўлмаган уч ва ундан ортиқ фарзанди бор ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этган ходимларга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат натижасида радиоактив ифлосланган зонадан эвакуация қилинган ва кўчириб келинган ходимларга (агар уларда қон яратиш органлари (ўткир лейкозлар), қалқонсимон без (аденомалар, рак) касалликлари ҳамда ракни келтириб чиқарувчи ўсимталар мавжуд бўлса), ядровий полигонлар ва бошқа радиация-ядровий объектларда ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек меҳнатда майиб бўлиши ёки касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз ходимларга – иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

9.3.2. ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича рўйхатда турувчи ходимларга уларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган даври (умумий иш стажи)га қараб – иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача;

9.3.3. бошқа ҳолларда, ходимнинг умумий иш стажига қараб - иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача.

9.4. **Корхонада** камида _____ йил ишлаган ходимларнинг амалдаги иш ҳақлари ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари ўртасидаги фарқ қўшимча тарзда тўлаб берилади.

9.5. **Иш берувчи** «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига биноан ходимларнинг шахсий жамғариб

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ган маблағидан Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

д) амалиёт ўташ учун бириктирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини ва янги ишга қабул қилинган битирувчиларини меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказишга, махсус кийим-бош, махсус пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлашга эришиш;

е) ишга қабул қилинган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, улар жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш;

ж) ишга янги қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш;

з) Иш берувчи, коллеж, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома шартлари бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

и) ҳар бир ёш мутахассисни ишга қабул қилиниши билан ҳисобга олиб, Корхонанинг ўзида, зарур ҳолларда эса ўқув курсларида малака оширишини назорат қилиб бориш;

к) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги ҳамда 247¹-моддасига асосан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар Иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида меҳнат органларига хабар берилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

л) ишлаётган ёшлар фаолиятидаги салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишончни сўнишини олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида Корхона ёш ходимлари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда маънавий тадбирларнинг Корхонада амалга ошириш.

XIII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

13.1. Келишувчи томонлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, жамоа шартномасининг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужж-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

д) бўшатиб олинаётган ходимларнинг малакасини ўзгартириш ва бошқа касбга ўргатиш учун бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Маркази билан шартнома тузиш;

е) ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш олган ходимга огоҳлантириш муддати давомида ўзига қулай вақтда бошқа иш қидириши учун ҳафтада ____ кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқини бериш.

3.10. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ходимлар тоифаларига берилади.

3.11. Агар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмасалар, у ҳолда ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қуйидаги ҳолатлар инобатга олинади:

а) ногиронлик;

б) пенсия ёшига яқинлашиб қолганлик (аёллар 53 ёш, эркаклар 58 ёш);

в) ишлаётган ёлғиз онанинг қарамоғида 14 ёшга тўлмаган болалар мавжудлиги;

г) _____;

д) _____.

IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

4.1. **Корхонада** иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади:

а) нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун – 40 соатдан ортиқ бўлмаган муддат;

б) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун - 36 соат;

в) I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун - 36 соат;

г) ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубиёти асосида - 36 соатдан ортиқ бўлмаган муддат (27-илова);

д) _____;

е) _____.

4.2. Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар ҳамда

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

стон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома»га асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) йўл кира харажатлари норматив асосида;

б) доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар;

в) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи миқдорида суткалик харажатлар;

г) ходим томонидан Иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа харажатлар.

5.12.6. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсациялар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 19 ноябрда 2730-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланган) "Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом"га биноан амалга оширилади;

5.12.7. ходимга тегишли транспорт воситасидан Иш берувчининг розилиги билан фойдаланилгани учун компенсация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафаридан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш Тартиби» меъёрлари асосида тўланади;

5.12.8. **Иш берувчининг** розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулк (асбоб-ускуналар, ашёлар ва ҳоказолар)дан (автотранспорт воситасидан ташқари) фойдаланганда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида келтирилган меъёрлар асосида ҳисоблаб чиқилган уларнинг амортизацияси доирасида харажатлар қопланади (13-илова);

5.12.9. **Иш берувчининг** таклифига биноан ходим бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда унинг қуйидаги қўшимча харажатлари тўланади:

а) кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;

б) янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

в) ходим томонидан Иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

5.12.10. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрдаги 11/30-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият тури ва мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларда кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

9.23. Касаба уюшмаси қўмитаси:

- қишлоқ хўжалиги ишлари бажарилаётганда меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, ижтимоий-маиший шароитлар яратилиши, иссиқ овқат ташкил этилиши устидан жамоатчилик назорати ва мониторингини амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.24. Мазкур **Шартнома** мақсадларида:

а) _____ нафар балоғатга етмаган фарзандни тарбиялаётган оилалар – кўп болали оилалар деб ҳисобланади;

б) ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан ошмаган оилалар – кам таъминланган оилалар деб ҳисобланади.

X. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА СПОРТ ИШЛАРИ

10.1. **Иш берувчи:**

10.1.1. **Касаба уюшмаси қўмитасига** ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун бериш;

10.1.2. Ҳар ойда Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг _____ фоизи миқдоридаги маблағни маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишлари учун **Касаба уюшмаси қўмитаси** ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

10.2. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

10.2.1. «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика Маънавият тарғибот маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлаш;

10.2.2. Давлат дастурларини бажариш доирасида таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илғорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида, турли мавзуларда мазмунли ва қизиқарли учрашув-

сияси томонидан меҳнат муҳофазаси қонунлари, ишлаб чиқариш маданияти қонунлари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётган вақтда, цех (бўлим)даги меҳнат муҳофазасининг ҳолати ва меҳнат шароитлари ўрганилаётганда жамоа шартномаси ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими бажарилишини текширади.

8.32. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишининг ходимларни чиқимдор қилмаган ҳолда ташкил этилишини назорат қилади.

8.33. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этади ёки иштирок этиш учун юқори касаба уюшма ташкилотларининг масъул ходимларини таклиф этади.

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

8.34. Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси (ташкилоти)нинг янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериши-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш, меҳнат шароитининг ходим соғлиғига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиш ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқини тан олади.

8.35. Томонлар шунга келишдики, Иш берувчи меҳнат шароитига бўлган меъёрий талабларни, Корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрларида меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол равишда бузса, ходимни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса ходим ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора тадбирлар киритилмагунча у тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда:

8.36. Корхонанинг ташкилий тузилмалари кесимида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияларнинг миқдорий таркибини аниқлайди, уларнинг сайлови, ўқувини (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказади ва тегишли гувоҳ-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

дан ўтказиш услубиёти асосида ҳар беш йилда камида бир марта иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказади.

8.14. Меҳнат кодексининг 217-моддасига кўра махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари (ДПО) билан бепул таъминланиш ҳуқуқини берадиган ишларда ишловчи ходимларни жамоа шартномасининг *28 ва 30-иловаларида* белгиланган рўйхатга мувофиқ, белгиланган муддатларда махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлайди.

8.14.1. Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партияси Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида, иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олинади.

8.14.2. Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим ва махсус пойабзални янгиси ёки ямабтузатилгани билан алмаштириб беради.

8.14.3. Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслигини, ҳимоя воситаларининг сақланиши ва ўз вақтида таъмирланишини таъминлайди.

8.15. Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга Меҳнат кодексининг 117-моддасига мувофиқ иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилаш ҳамда 137, 138-моддаларига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитидаги иш учун йиллик қўшимча таътилни *27- ва 10-иловаларга* мувофиқ беради.

8.16. Меҳнат кодексининг 217-моддаси ҳамда Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 13-моддасига асосан Бош-давлат санитария врачи томонидан 2003 йилнинг 6 октябрида тасдиқланган "Зарарли меҳнат шароитларидаги ишларда бевосита банд бўлган ходимларга сут ёки шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш тартиби"га кўра ходимларга бепул сут бериш *28-иловага* мувофиқ, ҳамда Бош давлат санитария врачи томонидан 2005 йил 18 февралда тасдиқланган "Зарарли ва ноқулай меҳнат шароитида ишлаётганлар учун даволаш-профилактика озиқ-овқатини бериш тартиби ва қўллаш бўйича Кўрсатмалар" (СанПиН РУз №0184-05)га кўра даволаш-профилактика озиқ-овқати билан таъминлашни амалга оширади.

8.16.1 Сут бериладиган иш жойларидаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш, меҳнат шароитини санитария-гигиена қоида ва нормалари талабларига тўла мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўрилади.

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур жамоа шартномаси (кейинги ўринларда **«Шартнома»**) _____да (корхона, ташкилот, муассаса номланиши)* иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Қуйидагилар мазкур **Шартнома**нинг тарафлари деб ҳисобланади:

иш берувчи

_____

_____ тимсолида

(бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакил кўрсатилади)

ходимлар

_____

(касаба уюшмаси қўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси)

_____ тимсолида кўрсатилади)* *

1.2. **Шартнома** _____дан кучга киради ва _____гача амал қилади. Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади.

1.3. **Мазкур Шартнома Иш берувчига ва Корхонанинг** барча ходимларига, шу жумладан, жамоа шартномаси кучга киганидан кейин ишга қабул қилинган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Мазкур **Шартномада** назарда тутилган ҳолларда унинг айрим қоидалари қуйидагиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади:

- ходимнинг оила аъзоларига;
- ёшга доир пенсияга кетиши муносабати билан меҳнат муносабатлари Иш берувчи томонидан бекор қилинган шахсларга;
- касаба уюшмаси қўмитасининг штатдаги ходимларига;
- меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли зарар етган собиқ ходимларга;
- меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига шикаст ети-

* кейинги ўринларда **«Корхона»** деб номланади.

** кейинги ўринларда **«Касаба уюшмаси қўмитаси»** деб номланади.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

озод этилиб ёки этилмасдан) жалб қилинган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.

23. Корхонада амалиёт ўтовчи олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.

24. Йил якунлари бўйича мукофотлаш тўғрисида Низом.

25. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати.

26. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмалар рўйхати.

27. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати.

28. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

29. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган ювиш воситалари (совун) билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

30. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш нормалари ва тартиби.

31. Дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

32. Таътил учун қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.

33. Меҳнат низолари комиссияси тўғрисидаги Низом.

34. Меҳнат низолари комиссиясига унинг фаолиятини амалга ошириш учун Иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, ташкилий техника ва бошқа моддий-техник воситалар рўйхати.

35. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Низом.

36. Корхона ходимларига уй-жой олиш учун фоизсиз ссудалар бериш тартиби тўғрисида Низом.

37. Маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш сметаси.

38. Касаба уюшмаси қўмитасига касаба уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун Иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, транспорт ва алоқа воситалари рўйхати.

39. Соғломлаштириш жамғармаси ёки корхонада тузилган шунга ўхшаш бошқа жамғарма тўғрисида Низом.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

бориладиган пенсия ҳисобварақларига иш ҳақининг ____ фоизи миқдорида қўшимча маблағ ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.6. **Иш берувчи** ходимларни йилида камида бир марта эпидемия хавфи мавжуд бўлган касалликлардан **Корхона** ҳисобидан эмлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.7. **Иш берувчи** ишлаётган пенсионерларга ўтган ой учун пенсияни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир вақтда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 30 апрелда 2222-рақам билан рўйхатга олинган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом"га биноан).

9.8. Иш берувчи (бюджет ташкилотларидан ташқари) ўз маблағлари мавжуд бўлган тақдирда пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир кунда ўз маблағлари ҳисобидан (тўланган суммаларни кейинчалик бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағидан қоплаш шарти билан) тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 9 сентябрда 2262-рақам билан рўйхатга олинган «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 23-бандига биноан).

9.9. Ходим сурункасига бир ойдан ортиқ касал бўлганида унга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ____ бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини **Иш берувчи** ўз зиммасига олади.

9.10. **Иш берувчи** ходимнинг отаси ёки онаси, яқин қариндоши вафот этганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш ёки шу сумма доирасида дафн марасими хизматларини кўрсатувчи фирма билан тузилган шартнома учун пул ўтказиб беради.

9.11. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда **Корхона** маблағлари ҳисобидан унинг оиласига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

9.12. **Иш берувчи** ходимнинг иш вақтида овқатланиш сарф-харажатларини у ишлаган ҳар бир тўлиқ ой учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ____ бара-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ҳақидаги маълумотлар ошкоралиги таъминланади. Иш сифати сусайган ҳолда барча устамалар бекор қилинади ёки камайтирилади.

5.18. **Иш берувчи Касаба уюшмаси** қўмитаси билан келишган ҳолда тегишли Низомга биноан йил якунлари бўйича мукофот тўлайди *(24-илова)*.

5.19. Илмий даражаси ва илмий унвони бўлган ходимлар лавозим маошига ҳар ойда ____ фоиз миқдорида устамалар тўланади.

VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

6.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилиши меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, мансаб йўриқномалари, **Корхона** Низоми ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан таъминланишини ва назорат қилинишини тарафлар ўз зиммасига оладилар.

Ички интизомни белгиловчи ҳужжатлар ходимларга таништирилиши Иш берувчининг мажбурияти ҳисобланади. Интизом қоидалари билан таништирилмаган ходимга мазкур қоидаларнинг бузилиши важи билан интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

6.2. Иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси:

6.2.1. ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этишни;

6.2.2. ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ҳамда юбилей саналарида (50, 55, 60 ёшга тўлганда):

пул мукофотлари билан;

ташаккур эълон қилиш билан;

қимматбаҳо совғалар билан;

Корхонанинг санаторий-профилакторийсига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантиришни ўз зиммасига олади.

6.3. Касаба уюшмаси қўмитаси ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кўмаклашиб боради.

6.4. Ходимлар ички меҳнат тартиби қоидаларига, ўрнатилган меҳнат режимига, меҳнат интизомига ва дресс-кодга риоя қилишлари шарт.

VII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. **Иш берувчи ходим томонидан унга етказилган зарарни** зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

сифатли ижро этиш;

б) ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифати яхшиланишига, меҳнат унумдорлиги ўсишига, ресурслар иқтисод қилинишига кўмаклашиш, ўз ҳамкасбларининг ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибасидан фойдаланиш;

в) ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларида иштирок этиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар.

III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

3.1. **Ходим** ва **Иш берувчи** ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар (шу жумладан, Бош келишув, тармоқ (тариф) келишувлари, ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва мазкур **Шартнома)** қоидаларига биноан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ишга қабул қилинган шахслар касаба уюшмаси қўмитасида таништирув суҳбатидан ўтказилади.

3.2. Ишга қабул қилиш шунингдек:

а) танлов асосида (Танлов тўғрисидаги Низом **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб тасдиқланади);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг буюртмаси бўйича касаначи томонидан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун Намунавий меҳнат шартномаси»га мувофиқ касаначи томонидан Иш берувчининг буюртмасига биноан ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун тузилган меҳнат шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.3. Мутахассислигига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимлар тўла-тўкис иш билан таъминланадилар.

3.4. Меҳнат шартномасини **Иш берувчининг** ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина **касаба уюшмаси қўмитасининг** олдиндан розилигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Меҳнат шартномасини Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақида **касаба уюшмаси қўмитасига** киритилган тақдимнома муҳокамасида масаласи кўрилаётган ходимнинг шахсан иштирок этиши таъминланиши шарт (ходим иштирок этишдан бош торган ёки узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган ҳоллар бундан мустасно).

Меҳнат шартномаси:

Корхона тугатилиши муносабати билан;

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

и) турли танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлар учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;

к) касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch», «Ishonch-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятини олади.

14.8. **Иш берувчи** Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига биноан касаба уюшмаси органларига сайланиб, ишлаб чиқариш фаолиятидан озод этилган шахсларга уларнинг ваколат муддатлари тугаганидан сўнг аввалги ёки шунга тенг иш берилишини таъминлаш учун бундай ходимларнинг бўшаб қолган иш ўринларига янги ходимларни фақатгина муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларига биноан ишга қабул қилиш мажбуриятини олади.

14.9. Асосий ишидан озод этилмаган **Касаба уюшмаси қўмитаси** раисига **Корхона** ҳисобидан ҳар ойда _____ миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

14.10. Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатга олинган «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом»нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур **Шартнома** мақсадларида **меҳнаткашлар вакиллари** деб эътироф этилади:

а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органлари аъзолари;

б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;

в) меҳнат низолари комиссияси аъзолари;

г) _____;

д) _____.

14.11. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган **меҳнаткашлар вакилларига** жамоатчилик ишларини бажариш учун ҳар ҳафтада икки соатдан бўш вақт берилади ва бу давр учун уларга ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

14.12. Иш берувчи асосий ишидан озод қилинмаган **меҳнаткашлар вакилларининг** юқори касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли (_____ ҳафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва ҳ.к.) Корхона ҳисобидан қоплаш мажбури-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

лар ташкил этиш;

10.2.3. Корхона балансидаги кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини **Корхона** ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни сақлаб туриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, уларда ишловчи ходимлар ойлик маошларини молиялаштириш. Кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, миллий ғоя ва маънавий-маърифий дунёқарашни ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш;

10.2.4. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги диққатга сазовар жойларга саёҳатларини уюштириш;

10.2.5. Умумхалқ ва касб байрамларини нишонлаш кунларида касб маҳорати ва бадиий ҳаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар ўюштириш;

10.2.6. Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ойда 2 марта «Маънавият соатлари»ни ўтказиб бориш.

10.3. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

10.3.1. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;

10.3.2. Жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш.

10.3.3. **Корхона** балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини **Корхона** маблағлари ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилаш;

10.3.4. Спорт федерациялари билан алоқаларни мустаҳкамлаш.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ҳолатлар бўйича тўланадиган тўловлар ўрнатилган муддатларга нисбатан **Иш берувчининг** айби билан (шу жумладан, 5.8.1, 5.8.2, 5.8.3-бандлар талабларига риоя этилмаганлиги сабабли) кечиктирилганда **Иш берувчи** ҳар бир кечиктирилган кун учун ходимга ____ фоиз миқдорида (лекин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1/300 қисмидан кам бўлмаган миқдорда) пуллик компенсация тўлайди.

5.10. **Иш берувчи** меҳнатга ҳақ тўлашга ва меҳнатни меъёрлаштиришга оид локал ҳужжатларни, шунингдек уларни жорий этиш тартибини **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб олади.

5.11. Ходимларни мукофотлаш **Корхонанинг** мукофотлаш тўғрисидаги Низомига асосан амалга оширилади (12-илова).

5.12. **Корхонада** оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг қуйидаги турлари ва миқдорлари ўрнатилади:

5.12.1. тунги вақтдаги иш учун - ____баравар миқдорда, (камида бир ярим)

кечки сменадаги иш учун _____ баравар миқдорда ҳақ тўланади;

5.12.2. иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун ---------- баравар миқдорда ҳақ тўланади ; (камида икки)

5.12.3. кўп сменали режимдаги иш учун ____ фоиз устама тўланади;

5.12.4. бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек ўриндошлик асосида иш бажарилганида ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. (Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бажарилиши лозим).

5.12.5. Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига ҳамда (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июлда 83 ва №7/12-сон қарор билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган) «Ўзбеки-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақти муддатининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарори билан белгиланади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгилаб қўйилиши шарт:

а) оила аъзоларидан бирининг бетоблиги;

б) ишнинг таълим билан қўшиб олиб борилиши;

в) профилактик даволаниш зарурияти;

г) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар туфайли ходимлар сони қисқаришининг олдини олиш;

д) _____;

е) _____.

4.4. Тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш муддати ходим билан **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Тўлиқсиз иш вақти режимидаги меҳнат учун ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

4.5. **Иш берувчининг** ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларга қўшимча равишда, ходимнинг илтимосига биноан **Иш берувчи** томонидан (иш ҳақи тўлиқ миқдорда сақлаб қолинган ҳолда) қисқартирилган иш куни ёки иш ҳафтаси ўрнатилади (ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари учун меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

4.6. _____ларида (таркибий бўлинмаларнинг номи)

иш вақти (смена) муддати суткасига ўн икки соат миқдорида белгилаб қўйилади ва иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинади. Бунда иш вақтининг _____балансига риоя этилади. (ойлик, чораклик, ярим йиллик ёки йиллик)

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш хусусида белгиланган чеклашларга (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 220-моддасининг бешинчи қисми ва 228, 245-моддаларига) риоя қилган ҳолда жорий этилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати *4-иловада* келтирилган.

4.7. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли қўлланилганда

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

натни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш, уларни **Корхонанинг** санаторий-профилакторийсида соғломлаштириш;

б) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни **Корхонага** жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этиш ҳамда ёшларни ишга қабул қилишда устоз бириктирилишини таъминлаш;

г) олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тугатиб, Корхонада биринчи йил (икки, уч йилгача) меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш;

д) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини шогирдликка олган устоз ходимларни рағбатлантириш;

е) **Корхона** учун керакли бўлган кадрларни тайёрлаб бориш мақсадида олий ўқув юртлари талабалари контракт пулининг бир қисмини тўлаб бериш;

ж) ёш ходимлар ва ёш оилалар учун банклар томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларни олишда кафиллик қилиш;

з) ёш оила аъзолари бўлган ходимларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ва уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш;

12.7. **Касаба уюшмаси қўмитаси** мажбуриятлари:

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада мукаммаллаштириш учун мавжуд ҳуқуқий-норматив базадан фойдаланиш;

б) ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатган ёшларни тизимли равишда маънавий (фахрий ёрлиқ, ташаккурнома, улар тўғрисида газеталарда рағбатлантирувчи мақолалар чоп этиш) ва моддий рағбатлантириш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этиш ҳамда ёшларни ишга қабул қилишда устоз бириктирилишини таъминлашда кўмаклашиш;

г) ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини битириб илк бор ишга жойлашган ходимлар учун ёрдам сифатида Касаба уюшмаси қўмитаси ҳисоб рақамига Иш берувчи ўтказ-

касблар ва лавозимлар рўйхати.

7. Ходимларга алоҳида тусдаги ишларда, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

8. Ходимларга Корхонада (тармоқда)ги иш стажи учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

9. Йиллик қўшимча таътил бериладиган раҳбар ва мутахассис кадрлар лавозимлари рўйхати.

10. Ходимларга оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

11. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.

12. Мукофотлаш тўғрисидаги Низом.

13. Ходимга тегишли мол-мулкдан (автотранспорт воситаларидан ташқари) фойдаланганлик учун харажатларни қоплаш меъёрлари.

14. Ходимларга кўчиб юриш билан боғлиқ ишлар учун устамалар тўланадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

15. Доимий иши қатнаб бажариладиган характерга эга бўлган, шунингдек бириктирилган участкалар доирасида хизмат қатновларида ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

16. Корхона (тармоқ)даги кўп йиллик меҳнати учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом.

17. Вахта услубидаги иш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

18. Ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

19. Ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари ўрнатиладиган ходимлар касблари рўйхати.

20. Ишдаги иқлим шароитлари учун ёз ва қиш фаслларида қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

21. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.

22. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ши сабабли вафот этган ходим қарамоғида бўлган ва зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга;

• касаба уюшмаси аъзоларига (касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан бериладиган қўшимча имтиёзлар қисмида).

1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган «Касаначилик тўғрисида Низом»га биноан мазкур **Шартноманинг** иш ҳафтаси муддатига (4.1-банди), тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (5.12.1-кичик банди), иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақга (5.12.2-кичик банди) оид меъёрий қоидалари касаначиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

1.5. **Шартномага** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тарафларнинг ўзаро розилиги билан Меҳнат кодексида уни тузиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.6. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар мазмунига қилинган ишораларнинг барчасида уларнинг мазкур **Шартномани** тузиш чоғидаги таҳрири назарда тутилган.

1.7. **Иш берувчи** барча ходимларни, шу жумладан, ишга янги қабул қилинган ходимларни жамоа шартномаси, шунингдек **Корхонанинг Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб қабул қилинган бошқа локал ҳужжатлари билан таништириш, жамоа шартномаси мазмунига ва бажарилиши шартларига оид маълумотлар ошкоралигини (мажлислар, конференциялар, масъул ходимлар ҳисоботлари, ахборот стендлари, тармоқ нашрлари ва ҳоказолар орқали) таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2.1. Тарафлар меҳнат вазифаларининг ҳалол ва сифатли бажарилиши ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этадилар.

2.2. Ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш буйича чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

энергия ресурслари истеъмолини қисқартириш ва ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш;

технологик жараёнларни ҳамда материал-хом ашё ресурсларини сарфлаш нормаларини, фойдаланиш ва ишлаб чиқариш харажатларини ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан рационализация қилиш;

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини тузиш, 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларини тузиш чораларини кўради. Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажаришни раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилишини таъминлайди.

8.7. Ўтган йилдаги ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликлари ҳолати йилнинг биринчи февралигача таҳлил қилиб чиқилади, меҳнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш ҳамда санитария-соғломлаштириш тадбирларининг бажарилишига якун ясалади

8.8. Келгуси йил жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимини тайёрлаш жараёнида Корхонадаги меҳнат муҳофазаси ҳолати ҳамда барча иш жойларидаги меҳнат шароитлари ўрганилади ва уларни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификациясини биринчи мартгача тузиб чиқиш ва уларни етказиб бериш тегишли бўлинмага, уларни маблағ билан таъминлаш молия бўлимига топширилади.

8.9. Меҳнат муҳофазаси хоналари учун оргтехника воситалари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар, ўқув ва кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа анжомларни сотиб олади.

8.10. Корхонани куз (қиш) мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ барча тадбирларни 25 август (1 октябр)гача бажаради.

8.11. Санитария-маиший биноларининг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (таъмирланиши, реконструкция қилиниши ёки янги қурилиши лозим бўлган бино ёки хоналар, бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилади).

8.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли Қарори билан тасдиқланган "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари" талабларига мувофиқ ҳолда ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан суғурта қилади.

8.13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини шаҳодат-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

номалар беради.

8.37. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошланғич касаба уюшма қўмиталари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ўртасида жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика танлови ўтказиш ва ғолибларни юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этиш Ўзбекистон КУФК Раёсатининг Қарори билан тасдиқланган "Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида" ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.38. "Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 273-рақам билан рўйхатга олинган) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Низомга биноан Корхона ва унинг ташкилий тузилмаларида меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубини жорий этади ва олиб борилишини таъминлайди.

8.39. Ҳар ___ нафар ходимга (ишлаб чиқаришдаги шароитларга, бўлинма ва участкаларда жамоатчилик назоратини олиб борриш эҳтиёжига қараб) бир нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил сайлаб қўйилишини таъминлайди.

8.40. Йил давомида меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларни Иш берувчининг маблағлари ҳисобидан белгиланган энг кам иш ҳақининг _____ баробари миқдорида пул мукофоти билан моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатади.

Цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ходимлар номзоди меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тақдирлашга тавсия этилади.

8.41. Ходимларга меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар учун Корхона моддий жиҳатдан жавобгар эканлигини томонлар қайд этади.

Томонлар шунга келишдики, Корхона жабрланувчига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунларга мувофиқ Иш берувчи жабрланувчига ёки зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга қуйидагиларни:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ларда касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

14.6. **Иш берувчи:**

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан аввал **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан олдиндан келишиб олиш;

б) **Касаба уюшмаси қўмитаси** талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) **Касаба уюшмаси қўмитасининг** уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа ва Интернетга уланиш воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятини олади.

14.7. **Касаба уюшмаси қўмитаси:**

а) **Корхона** ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

д) иш жойларидаги мавжуд камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ҳамда иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга келтириш борасида Иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

е) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида ходимларни аризаларига кўра тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

ж) Корхонадаги меҳнат ва маиший шароитлар аҳволи бўйича жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

з) касаба уюшмаси аъзолари ўртасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

Корхона раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

Корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, Корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган Меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинган тақдирда **касаба уюшмаси қўмитасининг** розилигини олиш талаб этилмайди.

3.5. Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш **Корхонада** мавжуд бўлса, Иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак. Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати ходим ва Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш бажарилаётган ишга мувофиқ амалга оширилади.

Қуйидагилар ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар деб ҳисобланади:

3.5.1. бетоб оила аъзосини парваришлаш зарурияти;

3.5.2. ишнинг таълим билан қўшиб олиб борилиши;

3.5.3. молиявий қийинчиликлар;

3.5.4. аввалги иш жойида ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи омиллар вужудга келиши;

3.5.5. _____;

3.5.6. _____.

3.6. Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш ҳолати юзага келиши муносабати билан **Иш берувчининг** ташаббусига кўра ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш, ташкилий-техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ишнинг вақтинча тўхтатилиши бекор туриб қолиш деб ҳисобланади.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун ишлаб чиқариш зарурияти деб қуйидаги ҳолатларда бажарилиши лозим бўлган тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳисобланиши мумкин:

3.6.1. бошқа ходимнинг ишда вақтинчалик ҳозир бўлмаган даврида (ўқув сессиясига, меҳнат таътилига ва ҳақ тўланмайдиган таътилга кетиши, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли);

3.6.2. табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ҳодиса, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

.13. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун *21-иловада* келтирилган камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади.

5.14. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан озод этилиб ёки озод этилмасдан) жалб этилган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш *22-иловага* биноан амалга оширилади.

5.15. **Корхонада** амалиёт ўтовчи олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сонли Қарори билан тасдиқланган "Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг корхона, ташкилот, муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш тартиби тўғрисидаги Низом"га ва *23-иловага* биноан амалга оширилади.

5.16. **Иш берувчининг** кўрсатмасига биноан Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида ходим ўз асосий ишидан озод этилади.

Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб қўшимча дам олиш вақти берилади.

Ходим Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажараётганда **Корхона** бўйича тариф ставкалари ва лавозим маошлари миқдори оширилса, у ҳолда ходимга меҳнат ҳақи ана шу даврдаги барча иш кунлари учун янги тариф бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиб тўланади.

5.17. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив шаклларини қўллаш, иш сифатини ошириш, касб маҳоратини юксалтириш ишларидан жамоанинг ва алоҳида ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида **Иш берувчи Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишган ҳолда бошқа турдаги устамаларни ўрнатиши мумкин (масалан, юқори касб маҳорати учун, кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, меҳнатдаги юқори ютуқлари учун, бажараётган ишининг мураккаблиги учун ёки алоҳида муҳим ишлар учун уларни бажариш вақтига). Устамалар ҳажми ҳар бир ходимнинг бажараётган иш сифатини ошириш учун қўшаётган ҳиссасига қараб белгиланади. Мазкур ходимлар

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

вари ҳисобидан келиб чиққан ҳолда қисман қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9.13. **Иш берувчи** шаҳар йўловчи транспортида (таксидан ташқари) юриш ҳуқуқини берувчи ойлик чипта нархи (ёки 100 та қатнов қиймати) миқдорида ходимнинг йўлкира харажатларини ҳар ойда қоплаб боради.

9.14. Ҳар йили куз мавсумида **Иш берувчи** Корхонанинг рўйхатдаги ходимларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараварига тенг келадиган пуллик компенсация тўланишини таъминлайди.

9.15. Навбатдаги меҳнат таътилига кетаётган ходимга Иш берувчи томонидан профилактик даволаниш учун қўшимча ҳақ тўланади *(32-илова)*.

9.16. **Корхона** (тармоқ)да _____ ва ундан кўп йил ишлаган ходим ёшга доир (ёки ногиронлик сабабли) пенсияга кетаётганда унга лавозим маоши (ўртача иш ҳақи)нинг _____ баравари миқдорида моддий ёрдам тўланади ва қимматбаҳо совға топширилади.

9.17. **Иш берувчи** кўп болали, кам таъминланган оилалар аъзоларига, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳисобланадиган собиқ ходимларга, **Корхонада** меҳнат қилган марҳум ходимларнинг балоғатга етмаган фарзандларига йил давомида қўшиб ҳисоблаганда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиб боришни ўз зиммасига олади.

9.18. Иш берувчи:

9.18.1. _____ нафар ходим (шу жумладан камида _____ нафар кам таъминланган ходим) учун касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ва ижтимоий суғурта бюджети маблағидан олинган йўлланмалар қийматини қисман қоплайди;

9.18.2. Ўзбекистон Республикаси санаторий-курорт муассасаларида _____ нафар ходимнинг, шу жумладан камида _____ нафар ногирон, ёлғиз қария, меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар аъзоларининг дам олишларини ва соғломлаштиришларини **Корхона** ҳисобидан ташкил этади;

9.18.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги ПФ-4658-сонли Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат бюджети ҳисобидан бепул соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўлган 1941 - 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини уларнинг хоҳишига кўра қўшимча равишда соғломлаштирилишини ташкил этади.

9.19. Ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Корхонанинг маблағлари ҳисобидан ёш мутахассислар, ижтимоий кам таъминланган ходимлар тоифасига кирувчиларнинг уй ижара тўловларини тўлаб бериш.

12.2. Қонун ҳужжатларига биноан ва мазкур **Шартнома** мақсадларида:

а) 30 ёшгача бўлган ходимлар ёшлар деб ҳисобланадилар;

б) олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва олган мутахассислиги бўйича илк бор мазкур **Корхонага** ишга кирган ходимлар таълим муассасасини битиргандан сўнг 3 йил давомида **ёш мутахассислар** деб ҳисобланадилар;

в) расмийлаштирилган никоҳда илк бор турган ва ҳар бири 30 ёшга тўлмаган эр-хотинлар **ёш оилалар** деб ҳисобланадилар,

12.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246-моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257-моддалар);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

12.4. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда қуйидагилар кафолатланади:

12.4.1. ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар иш кунининг бошланиш ва тамом бўлиш вақтини ходимга мақбул тарзда ўрнатилиши;

12.4.2. иш ҳафтасини яна _____ фоизга қисқартириш;

12.4.3. йилда _____ иш кунидан иборат қўшимча меҳнат таътили бериш;

12.4.4. йилда 14 календарь кунидан кам бўлмаган иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш.

12.5. **Иш берувчи** ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимларга йилда бир марта лаборатория-имтиҳон сессиялари (шунингдек диплом ишларини ҳимоя қилиш (битирув имтиҳонларини топшириш) даврида, ўқув муассасасига бориб келиш учун йўлкира харажатининг _____ фоизи миқдорида йўлкира пули тўлайди. (камида 50)

12.6. **Иш берувчи** мажбуриятлари:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирувчиларига меҳ-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

иш вақти жамлаб ҳисобга олиниши режимида банд бўлган ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдори тенглаштирилиши кафолатланади (ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича тўғрилаб қўйиш шарти билан). Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайнида иш соатларининг нормал миқдоридан кўп ишлаганлик учун иш вақтидан ташқари ишлар учун ўрнатилган баҳоларга биноан ҳақ тўланади ёки ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш куни берилади.

4.8. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда меҳнат қилувчилар учун Иш берувчи томонидан Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан махсус танаффуслардан фойдаланиш имконияти берилади. Бунинг учун иш бажариладиган жойда махсус иситиладиган хона ажратилади. Ушбу танаффуслар ҳақ тўланадиган иш вақтига киритилади. Бундай махсус танаффуслар бериладиган касблар, лавозимлар ва ишлар рўйхати *5-иловада* келтирилган.

4.9. Ишдан ташқари вақтларда ишга жалб этиш фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

4.10. Иш кеч (соат 22.00 дан кейин) тамом бўлган ҳолларда **Иш берувчи** ходимларни ишга олиб келиш ва олиб кетиш мажбуриятини олади ва навбатчи транспорт воситаси билан таъминлайди.

4.11. Ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиш алоҳида ҳоллардагина ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, Иш берувчининг **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб қабул қилган ёзма фармойишига биноан амалга оширилиши мумкин.

Ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга қуйидаги асослар бўйича йўл қўйилади:

а) табиий ва техноген тусдаги авариялар, бахтсиз ҳодиса, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурияти юзага келганда;

б) умумхалқ ҳайрия ҳашарларида иштирок этиш учун;

в) _____.

4.12. Йиллик асосий таътил (қонун ҳужжатларига биноан асосий узайтирилган таътиллар ўрнатилган ходимлардан ташқари) барча ходимлар учун _____ иш (камида 15) кунидан иборат этиб белгиланади.

4.13. Қуйидаги ҳолларда қўшимча йиллик меҳнат таътиллари берилади:

а) меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

си ҳам қайта кўриб чиқилиши лозим.

5.4. Корхонада энг паст лавозимдаги ходимларнинг тариф сеткасининг 1-разряди (тариф коэффициенти - камида 2,476) бўйича тарификация қилиниши таъминланади.

5.5. Корхона бўйича ўртача иш ҳақи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ бараваридан кам бўлмаган миқдорга етказилади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмайди.

5.6. Иш ҳақини тўлаш муддатлари:

• ойнинг биринчи ярми учун - жорий ойнинг _____ санасида;

• ойнинг иккинчи ярми учун - _____ кейинги ойнинг _____ санасида.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади. Ҳар бир ходим тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қолинган пул миқдорлари ва унинг асослари, шунингдек тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилинади.

5.7. Ходимнинг розилиги билан иш ҳақининг бир қисми унинг пластик карточкасига ўтказиб берилади, бундай ўтказма миқдори тўланадиган сумманинг____ фоизидан ошмайди.

5.8. Ходимга ҳақ тўлаш мазкур **Шартноманинг** 5.6-бандида белгиланган муддатларга нисбатан кечиктирилганда қуйидаги чоралар кўрилади:

5.8.1. хизмат кўрсатувчи банкнинг айби билан содир бўлганда – **Иш берувчи** (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли Қарори асосида тузилган банк ва мижоз ўртасидаги хизмат кўрсатиш шартномасига биноан) банк раҳбариятига жарима ундириш тўғрисида талабнома киритишни ва ундирилган жаримани меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади;

5.8.2. муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги сабабли кечиктирилиш содир бўлганда - **Иш берувчи** дебитор қарзларни жарималар, пенялар билан бирга ундиришни ва ундирилган маблағни меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишга йўналтиришни ўз зиммасига олади;

5.8.3. кечиктирилиш депозит рақамида маблағнинг йўқлиги сабабли содир бўлганда - **Иш берувчи** тижорат банкидан кредит олиб меҳнат ҳақини тўлашни ўз зиммасига олади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли Қарорига биноан).

5.9. Меҳнат ҳақи, таътил учун ҳақ, ишдан бўшаш ва бошқа

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

XI. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

11.1. Тарафлар меҳнат муносабатлари соҳасида камситмаслик, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги, тенг аҳамиятли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципларига қатъий риоя этишни ўз зиммаларига оладилар.

11.2. Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

"Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида"ги 29-сонли Конвенция;

"Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида"ги 100-сонли Конвенция;

"Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 103-сонли Конвенция;

"Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида"ги 105-сонли Конвенция;

"Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида"ги 111-сонли Конвенция.

11.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 224, 237, 228, 229, 143, 231, 233-моддалари);

б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалари);

в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228[1], 234, 237-моддалари);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (150, 232-моддалари);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалари);

ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалари).

11.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:

11.4.1. иш ўрни қисқартирилаётган аёлларни меҳнат бозорида талаб бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш;

жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари"да тўланиши кўзда тутилган миқдорига нисбатан ____ % кўп миқдорда бир марталик нафақа тўлайди;

зарар кўрган ходимга ёки зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўланиши керак бўлган ойма-ой тўлов ҳақига қўшимча равишда____%дан_____%гача қўшимча ҳақ тўлайди. Кўрилган зарар миқдори, касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси ва жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлигини ҳисобга олган (Корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгилайди;

меҳнат вазифасини бажараётиб ёки Корхона манфаатлари кўзланган ишни амалга ошираётганда ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисини йўқотган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга Иш берувчи ҳалок бўлган ходимнинг ўртача 6 (7, 8, ...,) йиллик даромади миқдорида бир марталик нафақа (бу олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас) тўлайди, шунингдек дафн этиш харажатларини қоплашни ўз зиммасига олади;

ходим ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда жароҳатланганда ёки касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганда (Ўз. Р. ВМнинг 2002 йил 28 февралда тасдиқланган "Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 71-сонли Қарорига Ўз.Р.ВМнинг 2002 й. 31.05. даги 188-сонли Қарори билан ўзгартиришлар киритилган) ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида ҳақ тўлайди;

тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) ёки Тиббий маслаҳат ҳайъати (ТМҲ) хулосасига мувофиқ жабрланувчи илгариги ишини бажаришга қодир бўлмаса Иш берувчи жабрланувчининг розилиги билан уни бошқа янги касбга ўқитиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

ўқиш давомида жабрланувчига аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

8.42. Меҳнат кодексининг 9- ва 223-моддаларига кўра меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текшируви ва назоратини касаба уюшмалари ва унинг таркибидаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар (хизмат) амалга оширади.

IX. ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

9.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чора-тадбирлар

давомида энг кам иш ҳақи миқдорининг ошириб борилишига мутаносиб равишда ошириб борилади.

8.2. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим календарь йил учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2012 йил 3 сентябрдаги 56-66/8-25"о"/01р-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган "Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар"га биноан тузилади ва жамоа шартномасига илова қилинади (1-илова).

8.3. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли Қарори билан тасдиқланган "Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом"га биноан Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини барпо этади ҳамда уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди.

8.4. **Иш берувчи** ҳар бир иш жойига мослаб иш шароити бўйича меъёрий талабларни ишлаб чиқиш **мажбуриятини ўз зиммасига олади.** Бу меъёрий талаблар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак.

Ходимларнинг меҳнат шароити шунингдек меҳнат жараёни ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талабларнинг ортиши (ўзгариши) муносабати билан, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида, белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартиришлар киритиб борилади.

8.5. Ҳар бир ходим унинг иш жойидаги меҳнат шароитларига қўйиладиган меъёрий талаблардан шунингдек бу шароитларнинг ҳақиқий аҳволи, хусусан, ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартиблари, имтиёзлар ва компенсация тўловлари, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисида муттасил хабардор қилиб борилади.

8.6. Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш Корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати зиммасига юклатилади.

8.6.1. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 14-моддаси талабларига асосан, ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда мах-

меҳнат унумдорлигини ошириш, бошқарув ҳамда саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонини мақбуллаштириш ва бошқа омиллар ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш хусусида келишиб олдилар.

2.3. Шу мақсадда **Иш берувчи:**

а) **Корхона** муваффақиятли фаолият юритишига, меҳнат маданияти ва интизоми кўтарилишига эришиш, ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, тариф ставкалари ва ишбай баҳоларнинг амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;

б) ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;

в) меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;

г) ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, **Корхонанинг** молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш;

д) **Корхонанинг** ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасаларида ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

(Касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака оширишнинг шакллари ҳамда бундай ўқувларни ташкил этиш шартлари, тартиби, зарур касблар ва мутахассисликлар рўйхати тегишли **Низомда** белгилаб қўйилади (2-илова);

е) касаначилик меҳнатини самарали ташкил этиш учун касаначи билан тузилган меҳнат шартномасидаги ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ва ҳоказоларни назарда тутувчи барча шарт-шароитларни 3-иловага мувофиқ яратиш;

ж) жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, бошқа қонунларида, **Корхонанинг** таъсис ҳужжатларида, жамоа келишувларида ҳамда мазкур жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни **касаба уюшмаси қўмитасига** тақдим этиб бориш;

з) белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат низоларини музокара йўли билан ҳал этиш;

унинг бажарилиши бўйича тадбирлар режаси, масъуллар ва муддатларни белгилаб оладилар.

15.8. Жамоа шартномаси имзоланган кунидан бир ойдан кечиктирилмаган муддатда **Корхонанинг** кўп тиражли газетасида чоп этилади, брошюра кўринишида _____ нусхада чиқарилади. Ходимлар жамоа шартномаси матни ва иловалари билан **Корхонанинг** ходимлар бўлимида, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва юридик бўлимларида ҳамда **касаба уюшмаси қўмитасида** танишишлари мумкин.

15.9. **Шартноманинг** амал қилиш даврида ёки амал қилиш муддатини узайтириш даврида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қўшимча келишув кўринишида бўлган алоҳида ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва мазкур **Шартноманинг** ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

15.10. Жамоа шартномасининг иловалари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

XVI. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

16.1. Тарафлардан бирининг мазкур **Шартномада** белгиланган шартлар бажарилмаганлиги ёки **Шартнома** тўлиқ бажарилмаганлиги ҳақида берган тақдимномалари бошқа тараф томонидан бир ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

16.2. Жамоа шартномаси мажбуриятларининг бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур Шартномада белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий РЎЙХАТИ

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Битим.

2. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги, уларни бошқа касбга ўргатиш, малакасини ошириш, иккинчи касбга ўргатиш ишлари тўғрисида Низом.

3. Корхонада касаначилик меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида Низом.

4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

5. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда ишлагани учун ходимларга иш вақтида махсус танаффуслар бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

6. Ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар,

мақсадида тарафлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

9.19.1. ҳар йили ўқув йили бошланиши арафасида умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ҳар бир болага Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ фоизи ҳисобидан келиб чиққан ҳолда дарсликлар ва ўқув қуроллари харид қилиш;

9.19.2. ҳар йили ходимлар фарзандларига янги йил совғаларининг **Корхона** ҳисобидан топширилишини ташкил этиш;

9.19.3. ходимлар фарзандларининг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини таъминлаш;

9.19.4. ходимларга болалар соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмалари нархини, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор ходимларга эса дам олиш уйлари, санаторийлар, профилакторий йўлланмалари нархини **Корхона** ҳисобидан тўлаб бериш;

9.19.5. **Корхонага** қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олувчи болаларни, шунингдек санаторий-профилакторийда дам олувчиларни овқатлантириш учун касаба уюшмалари иҳтимоий суғурта бюджети маблағларидан ажратиладиган меъёрга нисбатан _____ фоиз миқдорида **Корхона** ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиш;

9.19.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 сонли "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан белгилаб қўйилган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида ходимлар фарзандларини чет тилларига ўқитиш учун моддий кўмак бериш.

9.20. Тарафлар ётоқхоналар ва идоравий турар жойларни сақлаб туришга, уларда яшаш учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилашга, яшовчилар орасида маданий-оммавий, маънавият-маърифат ишларини олиб боришга Корхона ҳисобидан маблағ ҳамда зарур ашёлар ажратиш мажбуриятини оладилар.

9.21. Тарафлар ходимларни **Корхонанинг** ёрдамчи хўжалигида етиштирилган гўшт-сут маҳсулотлари, мева-сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш (ёки ёрдамчи хўжаликни барпо этиш имкониятини кўриб чиқиш) мажбуриятини оладилар.

9.22. Ходимларнинг иш ҳақидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиши учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммаларга солиқ солинмаслиги бўйича яратилган имтиёздан фойдаланиши Иш беруви томонидан таъминланади.

ган характердаги ишлар учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом»га биноан ишлаб чиқариш заруриятига кўра (доимий яшаш манзилига кунлик қайтишнинг имконияти бўлмаган ҳолатларда) ходимнинг кўчиб юриши ёки доимий иш жойидан узоқда бўлиши билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларини қоплаш мақсадида **кўчиб юриб бажариладиган характердаги ишлар** учун устамалар;

5.12.11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1992 йил 17 ноябрдаги 11/30-сонли қарори билан тасдиқланган «Фаолият тури ва мулк шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот, муассасаларда кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом»га биноан ходимнинг Корхонадан анча узоқда жойлашган объектларда бажариладиган ва ишдан ташқари вақтларда Корхона манзили (ёки йиғилиб кетиш жойи)дан объектдаги иш жойигача бориб келиш қатновлари билан боғлиқ ишлардаги қўшимча сарф-харажатларини қоплаш мақсадида **қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар;**

5.12.12. Корхона (тармоқ)да кўп йиллик меҳнати учун иш стажига биноан ходимнинг ойлик тариф ставкаси (лавозим маоши)га тўланадиган устамалар;

5.12.13. вахта услубидаги иш учун устамалар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 28 ноябрда 551-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Узоқ масофада жойлашган ва ўта муҳим объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг вахтали услуби ҳақидаги Низом»га биноан);

5.12.14. ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар (иш жойларини шаҳодатлаш натижаларига кўра);

5.12.15. ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 8 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорларда);

5.12.16. ишдаги иқлим шароитлари учун ёз (июнь, июль, август) ва қиш (декабрь, январь, февраль) фаслларида қўшимча тўловлар;

5.12.17. иш жараёнида зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланганлиги учун ҳожатхона фаррошларининг лавозим маошларига 10 фоиз миқдорида компенсация тўланади.

(5.12.10, 5.12.11, 5.12.12, 5.12.13, 5.12.14, 5.12.15, 5.12.16-бандларда назарда тутилган устамалар, қўшимча тўловлар ҳамда оширувчи коэффициентлар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхатлари мазкур **Шартноманинг** *14, 15, 16, 17, 18, 19, 20-иловаларида* келтирилган.)

3.6.3. _____;

3.6.4. _____.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти ёки бекор туриб қолинишининг бутун даври билан белгиланади. Барча ҳолларни жамлаб ҳисоблаганда **Иш берувчининг** ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги лозим.

Ходим **Иш берувчининг** ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

3.7. **Иш берувчи** ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида _____ олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки (камида икки ой) ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этиш, ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. **Иш берувчи,** шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Корхона ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида ____ фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

3.8. **Иш берувчи** қисқартирилаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш ишларини ташкил этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.9. Ходимлар сони қисқартирилаётганда қисқартириш оқибатларини юмшатишга қаратилган қуйидаги чоралар назарда тутилади:

а) ишдан бўшатилган ходимларни иш билан таъминлаш учун кичик бизнес субъектларини таъсис этиш;

б) ўриндошликни, вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чеклаш, бир неча касбда ишлашни тақиқлаш, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

жатлари асосида ҳал этилади.

13.2. Якка тартибдаги меҳнат низолари ва зиддиятлар Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан бўлган ____ нафар аъзодан тенглик асосида ташкил топган (ҳар тарафдан ____ нафардан) ва мазкур **Шартноманинг** амал қилиш муддатига тузиладиган Меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

13.3. Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015 й., 20-66 с, 15.01.2015 й., 01-СП), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб боради (33-илова).

13.4. Меҳнат низолари комиссиясини ташкилий-техникавий таъминлаш ишлари 34-иловага асосан амалга оширилади.

13.5. Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

XIV. ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

14.1. **Иш берувчи** ва **Касаба уюшмаси қўмитаси** ўзаро муносабатларида ижтимоий шериклик, ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

14.2. **Иш берувчи** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига биноан касаба уюшмасининг ҳуқуқларига риоя қилади, унинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашади;

14.3. **Иш берувчи Корхонада** ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида **касаба уюшмаси қўмитасини** тан олади.

14.4. Томонлар касаба уюшмаси аъзоларининг ёзма аризалари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари **Корхона** бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиб борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

14.5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342-рақам билан рўхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га биноан Корхона ҳисобварағида маблағ етарли бўлмаган ҳол-

11.4.2. аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

11.4.3. **Иш берувчининг** ташаббуси билан ишдан бўшатиб олинаётган аёлларга вақтинчалик иш ўринлари яратиб бериш (Корхонада юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини ташкил этиш);

11.4.4. **Корхонада** меҳнати вақтинчалик фойдаланилмайдиган аёллар учун касаначиликни ташкил этиш;

11.4.5. ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги сабабли малакали аёл кадрлар билан таъминланган ишлаб чиқариш бўлинмаларини қисқартириш ўрнига тўлиқсиз иш вақти режимига ўтказиш;

11.4.6. **Корхона** (тизим бирлиги) реконструкциядан сўнг ишга тушганда унда ишга жойлаштириш учун қайта ўқитилган ва илгари мазкур Корхонада меҳнат қилган аёлларга афзалликлар бериш;

11.4.7. тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга _____ цехлардан енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган _____ иш ўринлари ажратиш;

11.4.8. тиббий кўрикдан ўтишлари учун ҳомиладор аёлларни ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш (агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса);

11.4.9. ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини қонунда белгиланганига нисбатан _____ ой (календарь кунлар)га узайтириш;

11.4.10. қарамоғидаги 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парваришлаш таътилида бўлган аёлларга ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари-да моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

11.4.11. вояга етмаган фарзандлари бор аёлларга _____ соатгача қисқартирилган иш куни белгиланиб, йил давомида жами Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ баравари-да моддий ёрдам ажратиш;

11.4.12. уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга 1 соатга қисқартирилган иш куни белгилаш;

11.4.13. саккиз (10-12) ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг илтимосига кўра, ойда ____ кундан иборат иш ҳақи сақланмайдиган ёки қисман тўланадиган дам олиш куни бериш;

11.4.14. нормативда кўзда тутилганидан ташқари ____ та цехда (бўлинмада) аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш, соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини жорий этиш;

11.4.15. **Корхона** маблағлари ҳисобидан ҳомиладор аёлларни тиббиёт муассасалари (сиҳатгоҳлар)да ёки **Корхонага** те-

е) _____;

ж) _____.

4.17. Таътил учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

4.18. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан **Иш берувчи** ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.19. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар (1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар)дан ташқари яна қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календарь кунгача таътил берилади:

а) бетоб оила аъзосини парваришлаётган шахсларга;

б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;

в) ишлаётган пенсионерларга;

г) _____;

д) _____;

е) _____;

ж) _____.

4.20. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

5.1. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ва ишбай шакллари қўлланилиб, бунда вақтбай - мукофотли (ёки оддий вақтбай) ҳамда бевосита ишбай (ёки ишбай - мукофотли, ишбай-прогрессив, билвосита ишбай, аккорд) меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларидан фойдаланилади.

5.2. Меҳнат ҳақи Ягона тариф стекаси (ёки **Иш берувчи** томонидан **Касаба уюшмаси қўмитаси** билан келишиб тасдиқланадиган ____ разрядли тариф сеткаси) бўйича тўланади *(11-илова).*

5.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида Қарор қабул қилинса Корхонанинг тариф сетка-

вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш услубиёти асосида) _____ кундан _____ кунгача *(6-илова);*

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарорига биноан меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун 12 кундан _____ кунгача *(7-илова);*

в) **Корхона** (тармоқ)даги иш стажи учун _____ кундан ____ кунгача *8-иловага* мувофиқ;

г) раҳбар ва мутахассис кадрларга *9-иловада* келтирилган лавозимлар рўйхатига биноан;

д) оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун ____ кундан _____ кунгача *(10-илова);*

е) _____;

ж) _____.

4.14. Иш берувчи қуйидаги ҳолларда ходимнинг иш ҳақи сақланиб қолинадиган таътил бериш ҳақидаги илтимосини қаноатлантиришни ўз зиммасига олади:

а) яқин қариндоши вафот этганда – 3 кун;

б) ходим ёки унинг фарзандининг тўй маросимини ўтказишга – 3 кун;

в) _____;

г) _____.

Ходимнинг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, фарзанди ҳамда унинг турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси унинг яқин қариндошлари деб ҳисобланадилар.

4.15. Йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини олиш **ҳуқуқини берувчи иш** стажига қўшимча равишда муддати икки ҳафтадан _____ ҳафтагача бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилган таътиллар ҳам киритилади.

4.16. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли Қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

б) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонига биноан тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оилалар вакилларига;

г) ишлаётган пенсионерларга;

д) _____;

гишли санаторий-профилакторийда бепул даволаш.

11.5. Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дақиқадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш ҳақи тўланади. Ходиманинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (смена) бошига ёки охирига ўтиши мумкин (Халқаро меҳнат ташкилотининг 103-сонли Конвенциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 236-моддасига асосан).

11.6. Болалик аёлларнинг бола ____ ёшга тўлгунига қадар уни парваришлаш таътилида бўлган вақти меҳнат стажига қўшилади ва кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини беради.

11.7. **Касаба уюшмаси қўмитаси** аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиги муҳофазаси бўйича **Корхонанинг** ижтимоий дастури бажарилишида **Иш берувчига** яқиндан ёрдам беради.

XII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

12.1. **Корхона** ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимояси масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

Халқаро меҳнат ташкилотининг 138-, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

ёш мутахассислар кенгашини тузиш, ёш ишчилар ва мутахассислар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

Корхонанинг ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасалари ва ўқув курсларида ёш ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

ёшларни билим салоҳиятини ошириш мақсадида, уларнинг замонавий билимлар, хорижий тил, компьютер саводхонлигини мукаммал эгаллашларига ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улардан кадрлар захирасини шакллантириш;

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ